

ПАКАНАНИНГ ОШИҚ КЎНГЛИ*(Бўй ва мўй ўстириш тажрибаси ёхуд руҳ тарбияси)***1**

Ҳамма бало шундаки, у ўзи ҳақида бошқача фикрда эди. Ўзини барваस्ताю басавлат деб билмаса-да, ҳарқалай, хийлагина улўғвор ҳисобларди. (Кўнглида, албатта.) Юрганда жуссаеига яраша пилдирабгина юрмай, салмоқ билан, бутини йиртгудек йирик-йирик қадам ташлар, гапирганда маврид-бемаврид сўлиш олиб, салмоқ билан, таъсирчанликка интилибми ёки диққатни тортиш учунми, худди махфий бир синоатни очаётгандек пичирлаб гапирар эди.

Бари бефойда! У пак-пакана эди. Ўзини салобатли тутишию салмоқ билан одим отиши бир пул: гўё ёш бола катталарга тақлид қилгандек кулгили, бачкана чиқарди. Товушини не мақомга солмасин, натижа ўша-ўша — баайни чала пуфланган сурнай.

Лекин — кўнгли!.. Э, бу бир бошқа дунё экан. Кўнгил — подшо. Кўнгил — хазина. Кўнгил — бало. Эгам уни одамнинг сирт-сиёғи, бўй-басти ёки мол-мулкига қараб тақсимламайди.

Пакана эса ўзига, ташқи қиёфасию туриш-турмушига ўшал мўъжиза дунёдан туриб қарардики, ҳолига маймунлар йиғлаши шундан. Ачинмай илож йўқ. Кўнгилни кўргазмага қўйиб бўлмаса! Қўйганда ҳам кўрган харидор аввал эгасига назар солади: бўй-басти қандай, афт-ангори?

Аксига — нотавон бу кўнгил гўзалликка беҳад ошуфта, ўта севувчан, меҳру муҳаббатга ташнаи зор эди. Кўнгил дафтарининг ана шу қисми ўзи бир дoston. Уни варақламаслик, уни менсимаслик — шундоқ ҳам кам-кемтик Паканани баттар камситиш, ерга уриш билан баробар; бу тарихсиз унинг ҳаёти ғариб, ўзи эса қиёмат Пакана эмас, оддий бир бўйи паст-пачоқ кимса бўлиб қоладикки, унақалар оламда сон-мингта, ҳар бирини таърифламоққа бу танбал қаламга сўз қани, сиёҳ қани!

Пакана юрган йўлида шарт-муқаррар кимнидир суйиб қолаверади. Буни қарангки, ё ёши ўзидан катта, ё бўйи ўзидан узун сарвқомат қиз-жувонларга хуштор бўлади. Уйга келибоқ ўшанинг аслидан чандон кўркам хаёлий сиймосини яратади — у рассом — шу баҳона назарга илиниб, изҳори дил этмоқ пайида, иложини топиб уни эгасига тортиқ қилади. Кўнгил боғлаганла-ри кутилмаган тухфадан ҳайрат-ҳаяжонга тушишади, миннатдор бўлиб, эвазига унга кулиб-кулиб боқишади, раҳматлар айтишади, лекин... яна учратганда ё танимагандек индамай ўтиб кетишади, ё Пакана уларни иттифоқо бошқа биров билан кўриб қолади. Доим шундай бўлган. Зикрхона бу ёқда-ю, ҳалимхона у ёқда. Сув келтирган хор-зор-у, кўза синдирган — азиз. «Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур». Пакана талай вақт ўзини кўярга жой тополмай, «ул бевафо»нинг доғида куйиб-ўртаниб юради. Яна бир бевафога йўлиққунича, унга ошиқу беқарор бўлгунича!

Бу ҳолнинг адоғи, кўнгилдаги чандиқнинг саноғи бормикан? Бўлса, ишонаверинг, Пакананинг ўзи-да ҳисобдан адашади.

Ёшлигида у киноактрисаларта ишқибоз эди, Хушрўй-хушрўйлариининг суратини «Кино» журналидан қирқиб олиб, дарсхонаси деворларига ёпиштириб қўяр, дилига энг яқин бировининг каттакон қилиб портретини ҳам чизган эди. Кейин ўшани Тошкентга ҳам кўтариб келди — эгасига ҳадя этиб, баҳонада... Бу ерда бошқаларига чалғиб, бир маҳаллар кўзларига сурмаи сулаймон бўлган сиймо аллақайси ижарахонада чанг босиб қолиб кетди. Ҳозир ўша актриса билан театрда бирга ишлайди. Уни ҳар кўрганида ёшлиқдаги маъсум тасаввур ва изтироблари ёдига тушиб, пушаймон қилади.

Бир куни кўргазма-дарсхонасига нима иш биландир отаси кириб қолган, чиқиб онасига: «Хотин, ўғлингни тезда уйлаб қўймасак бўлмайди, ишлар чатоқ», деган. Бу гапни эшитиб Пакана ерга кириб кетгудек бўлган. Бироқ у анчадан кейин, ўттизларга яқинлашганда уйланди. Уйланиши ҳам ҳеч кимникига ўхшамаган, Пакананинг ўзигагина хос антиқа тарихки, унгада гал

келар.

2

Пакана ўзининг пакана эканини, бу ҳол унчалик ҳам фазилат саналмаслигини илк бор талабаликда пахта теримига чиққанларида Азизадан эшитган. Азиза театршунослик бўлимида ўқир, жуда сулув, отасини бениҳоя бадавлат одам дейишар, ҳашарчи қизга кунора шаҳардан тансиқ таомлар ортган оқ «Волга» келиб турар эди.

Балли шунга. Бадавлат одамнинг қизи эканига қарамай, кўнгилдан кўнгилни фарқлай билди. Кўркам-кўркам не-не бўлажак актёру режиссёрларни доғда қолдириб, қай бир фазилати билан Пакана ана шу дилбарни ўзига ром қилиб олган эди. Ахир, ҳазил гапми, гулхан атрофидаги тунги давраларда соатлаб ишқий шеърларни ёддан ўқиганида анов қадди расоларнинг ялтироқ туси ўчиб кетарди-да!

Шундай қизғин, музаффар ўтган бир базмдан сўнг, овлоққинада энтика-энтика ўптираркан, шаддод қиз нима деди денг:

— Сал узунроқ бўлганингиздами, сизни ҳеч кимга бермасдим-а, Пакана ака. Қишлоқданмисиз, районданми, боймисиз, камбағалми — қараб ўтирмасдан, ҳар қанақасига тегиб олардим!

Дарҳақиқат, қиз дуркунроқ, кучоғида мушуквачча мисол типирчилаб ўйин кўрсатаётган йигит эса ушоққина эди. Кўрган одам, талай вақт кўришмаган иноқ-босилқа опа-ука экан, деб ўйлаши тайин. (Азиза унча узун эмас, лекин қиз боланинг ўртабўйи ҳам новча кўринади.)

Пакана шу гап билан ўрталарида бегоналик девори тикланганини пайқади.

Маъшукасидан ажралгач, одатдагидек, ёнди, куйди, тутади, бироқ гапнинг моҳиятига парво қилмади — паканалигига ўкингани йўқ. Зеро, шу чоққача бўйининг узун-калталиги хаёлига келмаган, қайтага, баъзи найновларнинг довдирлигию калтафаҳмлигидан кулиб, ўзининг пишиқ-пухта, уддабуронлиги билан фахрланиб юрар — қисқасини айтганда, гап ташқи қиёфада эмас, ички дунёдадир деган сохтанамо, ночорроқ руҳда тарбия топган эди. Энди билса — бари сафсата. Дунё — новчаларники экан. Дунё — кўркамларники экан. Қолгани бир пул. Ақл-фаросат деган матоҳлар ҳув кейинги ўринларда туради. Кўркамлик, хушқадлик — қарийб бахтдек гап, омад деганларига тайёр пиллапоя, оёқ қўйсангиз — кифоя. Жисмоний жиҳатдан бирон бир нуқсонли одам, билингки, кўпинча бахил бўлади. Бахилнинг эса боғи кўкармас. Ана шундай сарсон бир ҳалқа бу.

Мағлубият кетма-кет такрорланаверди. Энди Пакана ҳолига қараб, бўйчанроқ қиз-жувондан ўзини четга ола бошлади. Шундай қилгани сари уларнинг жозибаси кўпроқ тортар, кўнгли сушт кетганларининг аксарияти бўйчан бўлиб чиқар эди. Улар билан рўбарў бўлиш насиб этганда эса, узоқроқдан туриб ёки зина-пинага чиқибми, иложи борича тикроқ кўринишга тиришиб, асабий бир ҳолатда сўзлашарди. Ўзида пайдо бўлган тағин бир одатни сезиб қолди. Ким билан ёнма-ён турмасин, беихтиёр зимдан бўй ўлчашар экан: елкасидан келаманми, тирсагидан? Жамоат орасида, кўча-кўйда ҳам гоҳо теварагига разм солиб қолади. Тавба, ҳаммасининг бўйи баланд-а! Худо шундай ҳам урадим одамни?!

Кейин-кейин Пакана бир санъатни ўзлаштирди. Новчароқ одам билан учрашганда орқага тисланиброқ, қия қараб (одатдагидек пастдан эмас) гаплашади — шунда фарқ унча билинмайди.

Таажжубли ҳол: (жуссаси кичикроқ бўлгани учунми) у азалдан новча, норғул одамларни ёқтирар, кўпроқ ўшанақалар билан дўст тутинмоққа интилар эди. Ўзи сингари паканаларга эса тоб-тоқати йўқ, уларни қитмир, муғамбир билиб, жинидан баттар ёмон кўради. Рассомлик билим юртида бирга ўқиган собиқ сабоқдоши, отнинг қашқасидек элга таниқли ҳажвчи Обид Асом бундан мустасно, албатта. Аввало, Обиджон Паканадан ҳам паканароқ, қолаверса, ўлгудек истеъдодли, касофат. Уни яхши кўрмай ҳам, тан бермай ҳам илож йўқ.

Алҳосил, пайғамбаримиз бундоқ демишлар: «Одамнинг новчаси аҳмоқ келади, Умардан бошқа; паканаси фитнакор келади, Алидан бошқа».

3

Бўйи пастлиги туфайли унда-бунда панд еявергач, Пакана умуман паканалик, унинг сабаблари тўғрисида кўп бошқотирадиган бўлиб қолди. Ўрта бўйдан пасти — то жимит одамларгача пакана ҳисобланади. Ҳамма бунақаларга ярим одам, чала одамми-ей дегандек беписанд муносабатда бўлади: «Кичкина бўлишига қарамай...», «Бўйи бир қарич-у...», «Муштаккина кўрингани билан...» ва ҳоказо. Кисқаси, одам ҳисобида йўқдек. Хўш, нима бўпти? Пакана ҳам — одам. Фақат қўл-оёғи ихчамроқ-да, холос. Сизда бор юрак унда ҳам бор (агар каттароқ бўлмаса), сизда бор мия унда ҳам бор (агар зўрроқ, ўткирроқ бўлмаса)! Нима, шу аъзолари ҳам кичкина бўлиши керакми энди? Тавба! Дунёга донғи кетган не-не улуғлар, не-не алломалар паст бўйли бўлган. Ана — Наполеонни олайлик, Неронни олайлик, Пушкин, Ганди, Ленин, Сталин... эҳ-хэ, бу ёғи мана шу ўзимизнинг Обиджонга қадар! Сизларда-чи, фақат Улуғ Пётру Гулливер! Баттар бўлларинг! Бор қувватни бўйга сарфлаб... Худо бўй бериб ақл бермаган галварслар!

Аммо ўртада бошқа нозиклиги ҳам бор. Ўша улуғлар пакана бўлганликлари учунгина шундай даражага етишганми? Ёки улуғ бўлганликлари туфайлигина биз уларнинг қадди-бастига қизиққанмизми? Хуллас, хийла чигал жумбоқ.

Паканамизнинг ўзига келсак, бобо-бувилари ўртабўй ўтган. Отаси билан онаси ҳам шундай. Укалари, сингиллари бўйчан-бўйчан. Ўзининг уч қизи-ку бири биридан шамшод бўлиб ўсаётир. Биргина Пакана — пакана. «Кимга тортдинг-а, болам? — дейди онаси қайғуриб. — Болалиқдан ановинингни (эюдникни назарда тутуди) ортмоқдаб юравериб, шундай (пакана деёлмайди — онада) бўп қолдинг-ов».

Ул эмас, бул эмас, Пакананинг етти пуштидан кимдир пачоқроқ ўтгани аниқ. Гоҳо у ўша авлодидан норози бўлиб сўкиб қолади. Демак, ўзининг ҳам етти пуштидан кимдир қақшамоғи муқаррар, уни сўкмоғи-да муқаррар. Пакана баъзан ана шу бўлажак насли — неварасими, чевараси олдида ўзини беҳад айбдор сезади. Ахир, эҳтимол, наслнинг бирон бир ўйин-замзамаси билан бу ҳол, бу қусур айнан ундан бошланаётгандир...

4

Бу дунёда чорасиз дард йўқ, ўлимдан бошқасига тадбир топса бўлади, дейдилар. Хўш, бўйни қандай ўстириш мумкин, бунинг йўли бормикан? Бор экан-да. Қаёқдандир эшитди: ҳар куни бир килодан қизил сабзи тановул этилса, қад расо бўлармиш. Пакана шунга амал қилмоққа бел боғлади. Ҳар ҳафта бозорга тушиб, бир тўрва-бир тўрва сара сабзи олади, бошқа таомни йиғиштириб, сабзихўрлик қилади. Икки ойлардан кейин шу аҳволга етдики, сабзини кўрса безиллайдиган, кўнгли айнийдиган бўлди. Бозорга қатнамоққа ҳам ҳафсаласи қолмади. Қад-қоматда эса бирон бир ўзгариш сезилмасди: ўша 154 см. — ўша 154. Бир энлик ҳам силжиш йўқ. Чамаси, бу ҳам бирон бекорчи ўйлаб топган эрмак. Ёки ўсмирлик ортда қолиб, суяк-зуваласи қотиб улгурганидан муолажа кор қилмадимикан? Кўҳна табобат китобларида битилганидек, «Бир ҳисса сариқ ҳалилага қизил батилани қўшиб, бир чимдим омила, бир мисқолдан маккаи сано ва тошбақа сафросига аралаштириб, устига бир пайсадан шақоқул уруғи, сейлон долчини ва боқилла сепиб, сўнг бир дирам Абу Жаҳл тарвuzининг данагини туйиб, пиёзчаси ўн йиллик нарғис сувида қайнатиб лайлатулқадр кечаси тановул қилинса...» қабилдаги тадбирларга эса ихлос сезмади — натижа чиқадими, йўқми, умр шу ташвишда ўтади.

Хуллас, бу ишларга қўл силтади. Энди «ўзимиз билган» пахтабанд чораларни қўлламоқдан

Ўзга илож йўқ эди. Қорамтирга мойил кийим-бошга зўр берди: одамни сал хипчароқ кўрсатиб, сал...

Бундан ҳам самара кутилганидек бўлмагач, кўполроқ усулини тутди. Бир қарич пошнани пойабзал харид қилиб, шунда юра бошлади. Пошна ҳисобига ўсган бўй кўнгилни ҳам андак расо қиларкан. Шуниси чатоқки, қурғур, оёқни роса қақшатаркан, сал юрмай акашак бўлиб қолади. Лекин — начора, қурбонсиз ғалаба — ғалабамми? Тоққа чиқмасангиз, дўлона қайда!

Кўп ўтмай бу усулнинг миси чиқди. Жамоат ёппасига ерпошна пойабзални урф этган замонда битта унинг лўкиллаб юриши кулгили эди. Илгари қиё боқмаган жононлар энди пошнасига қараб маъноли илжайиб ўтадиган бўлишди: бу кунингдан ўл, кишлоқи пакана!

Хайр, жафокор пошна!

Шунингдек, ҳарчанд қилмасин, уни биров одам ўрнида кўрмасди. Муҳаббат бобидагина эмас, ўзга ҳолларда ҳам камситилгани камситилган. Кўча-кўйда кўрингани ёш бола деб турткилайди, улфатлар даврасида — тайёр югурдак. Шуларни ўйлаганда оёқ-қўллари тортишиб, баттар кичрайиб қолаётгандек, кичрайиб ерга кириб кетаётгандек бўлаверарди. Э, мана сенга деб мўйлов қўйиб юборди. Мўйлов жонивор гуркираб ўсиб берди. Паканабой шунга хурсанд: биз ҳам одамга ўхшадик, салобатлироқ бўлдик! Буниси камлик қилиб, соқол қўйиб олди. Соқол-мўйловли «бола»га энди кўрган ҳайрон. Ие, нима қипти, рассом-да! Рассом билан киночига бир нима деб бўладими? Уларга рухсат бор, уларга ҳаммаси мумкин.

Бу байрам ҳам кўпга чўзилмади. Ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бўлади. Табиатда мувозанат қонуни бор. Ана шу бузилса, билинги, албатта бошқа бир жойдан «тешиб чиқади».

Паканамиз ҳали оддинда кутаётган хавф-хатардан беҳабар эди.

5

Дарвоқе, бу орада у институтни битирди, ўзининг таъбири билан айтганда — «Икки йил Астрободда сургунда бўлди», ундан қайтгач, бир муддат бошпанасиз сарсон-саргардонликда юрди, кейин тасодифан ўйланиб ўйли-жойли бўлди, хотини кетма-кет уч қиз туғиб берди. Лекин бирор кун «излаш-изланиш»дан тўхтагани йўқ.

Институтдан сўнг Пакана олис бир вилоят театрига безакчи рассом қилиб жўнатилган эди. Бориб у ерда ҳеч балони безатгани йўқ, ичкиликка ўргангани қолди, холос. Безатмоққа лойиқ асар ҳам сахналаштирилмади ҳисоб. Сахналаштирилганда ҳам камхарж ташкилотда маблағни тежаш мақсадида амал-тақал қилиб эски безаклардан фойдаланиларди.

Пакана бу ерда рассомликни унутиб, соҳасини буткул ўзгартириб юборди, деса бўлади. Театр жамоаси кўпинча дала-кўйга яллагичликка чиқар, азбаройи виждон азоби ёки бекорчиликдан қўшилиб борган Пакана гоҳида очарчи-бошловчилик қилса, гоҳида маъмурилик вазифасини ўтар эди. Маишати чаккимас, театр безакхонасини уйга айлантириб олган, ора-чирра колхоз-полхознинг буюртмасини бажариб бериб мўмайгина пул топар, уни аксарияти истеъдодсиз, омадсиз, лекин, аслида Шукур Бурҳонман-у, булар қадримга етмаётибди-да, дегандек зўр даъвода юрадиган шўрпешона улфатлари билан ичиб битирар эди.

Агар ўшанда пойтахт театри вилоят меҳнаткашларига томоша кўрсатгани бориб, шу даргоҳда режиссёрлик қиладиган эски сабоқдош оғайниси Хайрулла Ҳошимовни учратмаганида, ким билсин, «Астробод»да тагин қанча қолиб кетарди! Пакана талабалик кезлари Хайрулланинг ўргамчик спектаклида аллақандай ёш бола ролини ижро этиб, дўстлашиб кетишган эди. Бир шиша арақ устида у Тошкентни қўмсаб арз қилганида, меҳмон: «Хорошо. Бизга келасан, Баҳодир билан ўзим гаплашаман», дея бош режиссёрнинг номини қўшиб ваъда бериб юборди.

Хайрулла ваъдасининг устидан чиқди. Пакана яна тошкентлик бўлди. Мўътабар даргоҳга ишга жойлашди. Даргоҳ мўътабарликка мўътабар эди-ю, Паканадек сиғиндилар у ёқда турсин, йил сайин келиб турган ёш истеъдодларни ҳам бошпана билан таъминлай олмасди. Номини улуг —

супраси куруқ.

Пакананинг яна дайди ҳаёти бошланди. Энди илк ёшликкагина хос табиий куч-ғайрат сўниб бораётган, қарийб ўн йилга чўзилган оч-юпун талабалик беғамлиги таъсирини кўрсатмоқда, иссиққина ўлан-тўшак, меҳрибон бир парваришга эҳтиёж туғилган эди.

6

Пакананинг уйланиш тарихи ҳам бир дoston, йўқ, комедия, йўқ-йўқ — трагикомедия.

Ўша йили кўкдамда оёқоғриқ билан касалхонага тушди. Бор ўринлар банд эканми, иттифоқо, нозикроқ одамларга мўлжалланган икки кишилиқ хонадан жой тегди. Уч кун бир ўзи ётди. Тўртинчи куни тушдан кейин хонанинг ҳақиқий эгаси келди. У элликлардан ошган, барваста, тепакал армани — Левон амаки эди. Икки лунжи қип-қизил, бурни гўштдор, чакичли, қовоқлари салқи — важоҳатидан ёмон одамга ўхшарди. Қўқонда туғилиб вояга етган, ўзбекчани сувдек билар экан. Кўпни кўрган, ҳазилкаш, хангамачи одам. Дарров иноқлашиб қолдилар. Левон амакининг ёр-биродари бисёр экан. Қатъий навбат билан келишади. Хона елимхалтаю қоғозхалтага, кўкдамда тансиқ мева-чевага тўлиб кетган. Тайёр дастёр Пакана уларни энагаю ҳамшираларга улашиб улгуролмайди. Бу ёқда Левон амакининг чой-пойига қарашуви лозим. Кундузлари беғам, бийрон одам, кечалари белоғриқдан вой-войлаб чиқади. Айтишича, умуртқасига туз йиғилган эмиш. Бўйнида ҳам ўша савилдан бир ҳовучи борми, бошини эркин буролмайди, бутун гавдаси билан ўгирилади. Иссиқда ҳам шарф ўраб юради.

Раҳми келганидан Пакана кечалари унинг бел-бўйинини босиб, умуртқа поғоналарини муштлаб, уқалаб кўярди. Шундай бирпаслик ором чоғларида бемор ийиб кетар, меҳрибон халоскорига бирон бир мурувват кўрсатиш йўлларини қидириб қолар эди.

— Ука, сен энди уйланишинг керак экан. Қачонгача бундай юрасан? Ке, бир иш қилайлик. Ўзингга мос, чиройлиққина бир арманкани топиб берай. Сенга айтсам: арманкалардан зўр хотин чиқади. Меҳнаткаш, пазанда, уздабурон. Сизлар айтгандай — ёзда кўрпа, қишда кўрпача. Пушаймон қилмайсан аммо!

— Ўша чиройли арманкангиз менга тегишга рози бўлармикан? — деди Пакана бир чети эрмак, бир чети пинҳона ўкинч билан.

— Кўндирамиз-да, нима деяпсан! Сизлар-ку бегона миллатга кўпам харидор эмассизлар, биламан. Ё ўзбекчасидан бўлсинми?

— Э, унга уй керак, жой керак. Театр...

— Театрингни қўйиб тур. Уй-жой масаласини ўзимиз бир ёқли қиламиз, ишинг бўлмасин,

Пакана бир қоп гўштни алоҳида ҳафсала билан уқалай бошлади. Билиб бўладими, жуда ишбилармон одамга ўхшайди...

— Уйланардим-у, яхшироғи учрамаяпти-да, — деди у баттар таранг қилиб. Кўнглининг тубида милтиллаган бир илинж йўқ эмасди.

— Ия, шаҳар тўла қиз-ку! — деди Левон амаки жиғибийрон бўлгандек ва шу ердаги кўзни қамаштириб юргувчи ҳамшира қизларни мисол қила кетди: — Мана, ўзимизда қанча! Салима, Раъно, Гавҳар, Арофат... ҳаммаси яхши қизлар. Ўзим гаплашиб бераман, агар хўп десанг. Айт, қайсисини?

Куёв бўлмиш, аниқроғи, ҳаваскор куёв шошиб қолди. Ҳимматли ҳамхонаси уни қизлар кўргазмасига бошлаб кирган эди гўё: мана, сайла сайлаганингни, танла танлаганингни! Ночор, нотавон одамнинг кўзига у бир зум Хизр бобо ҳам бўлиб кўринди: тила тилагингни!

— Тўғри, Раъно эрга тегаётганмиш, эшитишимча, — деди Хизр бобо Левон амакига айланиб.

— Гавҳар ҳам тузуг-у, лекин... «...сенга тўғри келмайди. Бўйи баланд».

— Яхши улар ҳаммаси. Аммо кўнгилдаги эмас-да.

— А, бундай де. Конечно, рассомсан, поэзия, фантазия! — Левон амаки яна тадбир қидириб ўйга толди, сўнг астойдил ҳафсала билан ёстиққа ёнбошлаб олди.— Ке, бундай қиламиз.

Шулардан бирортаси билан никоҳдан ўтасан, кейин...

— Никоҳ?

— Сохта никоҳ-да.

— Сохта никоҳ?! — Пакананинг юраги ёрилгудек бўлди.

— Шошмай турсанг-чи! Кейин сизларни, ёш келин-куёвни бирор жойга рўйхатга тиркаб, уй олиб берамиз. Икки-уч ой бирга яшагандек бўласизлар. Шошмагин-да, номига, қоғозда. Кизни буткул кўрмаслигинг ҳам мумкин, паспорти бўлса бас. Паспорт нима, беш-ўн сўмга янгилаб беради. Қотирамиз. Кейин эса расман ажрашасизлар. Баҳонада уйли бўлиб қоласан, хумпар. Ана у ёғи хоҳлаганингга... Уй-жойли одамга люббойи жон дейди. Қарасам, бу юришда, бир бошинг билан ҳеч ким сенга уй бермайди. Тем более, театринг. Берса, ётоқ-потоқ берар. Сенга тўғри келмайди. Яхши йигит экансан, менга ёқиб қолдинг. Бармоқларинг шифобахш, биотокинг бор сен боланинг, жонимга ора кирди. (Аслида, гавдаси нозикроқ бўлгани билан Пакананинг қўллари чайир, сиртдан озода кўринадиган рассомчиликнинг қора ишларида пишиб, пай бойлаб кетган, холос.) Сенга шундай бир яхшилик қилмасам, номардликка киради. Қалай, маъқулми режа?

— Маъқул-у, қийин ишми дейман-да. Ақл бовар қилмайди, — деди афсунланиб қолган Пакана.

— Ланжликни қўй. Ишнинг осони бор эканми? Албатта, совға-повға бериб қизни рози қилиш керак бўлади. Майли, бу ёғини менга қўйиб бер, ўзим гаплашаман. Қайсиси тузук? Арофат, а? Меҳнаткаш, камтар, ювош. Вдруг, а?.. — Левон амаки шўхлик билан кўз қисиб қўйди. — Сен кўнсанг бас, ишни бошлайверамаиз. Қотирамиз!

Пакана индамади. Ҳанг-манг эди. Тақдир подшоси уларни атай шу ерга йиғиб, айни лаҳзаларда келажак ҳаёти ҳал қилинаётганини у ҳали билмасди, бунга сира-сира ишонолмасди.

Рассом бўлинмадаги ҳамширалар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган, даволовчи дўхтиридан тортиб бу қақажонларгача — каттаю кичик барининг аксини қоратош билан бир тахта-бир тахта қалин қоғозга солиб берган эди. Ҳаммаси ундан миннатдор. Қарангки, келиб-келиб биргина Арофатнинг расмини чизмабди. Ўзи сўрагани ҳам йўқ бир оғиз. Ишдан бошқасини билмай ерга қараб юрадиган, дугоналарига нисбатан хунукроқ бу камгап қизни чизиш истаги ҳам туғилмаган эди.

Тавба, Левон амаки у билан нима деб гаплашди, нима ваъда қилди (кейин маълум бўлишича, қуруқ гапдан бошқа ҳеч вақо), икки кундан сўнг Арофат хона холи пайтда кириб, газетага ўралган паспортини Пакананинг ёстиғи устига қўйиб кетибди.

Эртаси куни Левон амакининг ўзига ўхшаган тадбиркор бир оғайниси ёш «келин-куёв»ни машинасига ўтказиб, хуфия йўл билан бирпасда никоҳдан ўтказиб келди. Қайтганларида меҳрибон «ота ва қайнота» бир даста лолаю бир шиша шампанни тайёрлаб ўтирган экан... Ҳаммаси осонгина ҳал бўлди. Худди тушда кечаётгандек.

«Ота-бола» олдинма-кетин шифохонадан тузалиб чиқишгач, Пакана Арофатнинг олдига келиб-кетиб, қолган майда-чуйда қоғозларни ҳозирлади. Кейин уларни элтиб уй-жой бошқармасида каттакон бўлиб ишлайдиган Левон амакининг қўлига топширди. Ҳафта ўтмай «келин-куёв» асосан қизиникида яшайдиган тўқсон яшар бир ўрис кампирнинг ҳужрасига расман рўйхатга тиркалди. Бир хонаю газ ўчоқли бир даҳлиздан иборат бу бошпана шаҳарнинг қоқ марказида, Инқилоб хиёбонига яқин қисир дарахтларга кўмилган серсоя ҳовлилардан бирида эди. Ҳовлининг тўрт тарафи мана шунақа пастқам-пастқам уй-жойлар, ўзидан қолган қари-қартанг истиқомат қилади. Ўртадаги каттакон қувурдан кун-уззукун сув шалдираб ётади — тескари фаввора. Биров билан бировнинг иши йўқ. Бошқа нима керак бўйдоқ йигитга!

Паканалигига қарамай, уни шу ердагана расмона одам деб билишар, ҳурмат қилишар эди. Ўзиям уларга ўрганиб қолди. Ғариб-бенаво чол-кампирдан нима зиён! Вақти-вақти билан уларнинг ҳожатини чиқаради: дўкондан ул-бул келтириб беради, куйиб қолган

лампочкаларини алмаштиради, дазмол-пазмолни тузатади. Ким яхши — барака топкур Паша яхши, Пашавой яхши! Яна нима керак Паканага!

Отаси қилмаган яхшилиқни қилган серҳиммат, мурувватпеша Левон амакига нима жавоб қайтаришни билмай узоқ бош қотириб юрди. Ўйлай-ўйлай, унинг кафтдек суратини сўраб олди-да, бир қулоч матони дастгоҳга тортиб, икки ҳафта мобайнида меҳр-ҳафсала билан тер тўқди. Чаккаларидаги жингалақларидан тепакал бошига ҳам кўчириб, хийла оро бериб, атай яшартириб чизди. Безакдор қасноққа солинган бежирим портретни кўргач, Левон амакининг кўзларидан ёш чиқиб кетди. «Раҳмат, жигарим, раҳмат! — деди Паканани қучоқлаб кўтариб пешонасидан ўпаркан. — Тўппа-тўғри чизибсан. Ёшлигимда худди шундай эдим, сочларим жингала-жингала. Буни ҳали Марина холанг кўрсами!..»

Кейинчалик ҳам талай йил ота-бола бўлиб, борди-келди қилиб юрдилар. Белоғриғи кўзғалдими, Левон амаки келиб, «Сенинг қўлинг енгил, шифобахш», дея Паканани машинасига солиб ўйига олиб кетарди. Қайтишида қўлига коньяк-поняк, буниси Арофатга, буниси қизалоқларингга, деб ул-бул бериб жўнатарди. Кампир ўлгач, ўйни биратўла Пакананинг номига ўтказиб берган ҳам, ҳовли бузилиб, ўрнига тижоратчилар учун ҳаммом тушади деганда, Юнусободдан хонадон олишига кўмаклашган ҳам ана шу Левон амаки бўлади.

7

Воқеан, Арофат... У ишга ўтиш-қайтишида тутинган сингил сифатидами, ҳожатбарор бир таниш сифатидами, баъзан «уйи»га келиб-кетиб турарди. Бирор қилиғида ё гап-сўзида таъма оҳанги сезилмас, қайтага, бирпас ўтириб, Паканага чой-пой дамлаб, кир-чирини ювиб бериб кетар эди. Унинг яккам-дуккам жавобларидан Пакана унча-мунча нарсани билиб олди. Арофат чала етимча бўлиб, опа-сингил ўгай онанинг қўлида эканлар. Ўгай она деганда Пакананинг кўз оддига эртақлардаги бир ялмоғиз келиб, буни айтганида, «Йўқ, яхшилар, — деди қиз синиқ кулимсираб: — Яхши бўлларинг деб уришадилар-да». Сухбат асноси Пакана шуни сиздики, катта қиз сифатида Арофат шу кунда бамисоли онанинг томоғига тиқилган тош, чунки синглисига устма-уст икки жойдан совчи келаётганмиш. Кўримлироқ бўлса керак-да. Сўрашга ийманди. Кўнглидагани билиб бўлмайдиган ғалати бу муштипарга ичи ачиди. Бирон яхшилиқ қилай деса, қўлидан нима келади? Мабодо бу қизнинг нияти бошқа бўлиб, ёмонликка олса борми, бирор ёққа қимирлаёлмай қоласан, тўрт тарафинг девор, қаёққа қарасанг — Арофат! Худо сақласин, худо сақласин! Не-не орзулар билан яшаётган кўнгил барбод, йигит умри хазон бўлади-я! Агар таъби тортганида, шу чоққача бу қизни соғ қўярмиди? Мана, гаҳ деса, қўлига қўниб турибди. Ўзи келса, ўзи кетса. Йўқ-йўқ. Бошимиз кал бўлса ҳам кўнглимиз нозик. Пачоққина, теп-текис, қўлга илинадиган жойи йўқ, оёқлар эгри, калта-калта, ёноқ суяқлари хунук бўртиб чиққан... Йўқ-йўқ. Лекин, бошини кўтариб қараса — тушуниксиз, одамни довдиратиб қўядиган бир андуҳ чўккан кўзлари!.. Шу учунмикан, улар ўзаро келишиб олгандек, кўпинча бир-бирининг юзига қарамай сўзлашарди.

Шартлашувга кўра, «ажралиш» фурсати яқинлашар, бироқ қиздан чурқ этган садо чиқмас эди. Пакананинг ўзи гап очай деса... йўқ, асло, қайси юз билан, нима деб? Фиғони чиқиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қанақа қиз ўзи бу? Бир тулки арманининг гапига лаққа тушиб, дарров рози бўладими? Писмиқ десангиз писмиққа ўхшамайди. Ўлгудек содда, ҳатто лақма. Шу шаҳарда шундай қизнинг борлигига, ўлдиринг агар, одам ишонса. Довдир десангиз — эс-ҳуши жойида, ишига пишиқ-пухта. Саранжом-саристали. Ишхонасида ҳам, Пакана кўзи билан кўрган одам-да, бир дам тек ўтирмайди. Пазанда. Уйдан бир-икки марта сомса ёпиб келди, еб тўймайсиз. Хуллас, чинакам рўзғорбоп хотин чиқади. Лекин... лекин Пакананинг наъмаю таманноли кўнгли-чи, унга буткул зид-ку бу қиз?..

Тавба, шундай қизга ҳам ўрганиб қолар экан одам. Бир-икки ҳафта кўринмаса, кутадиган бўлди Пакана. Сезишича, ойиси билан аразлашган шекилли, навбатчилик баҳона, бир кеча

тунаб ҳам кетди. Бўлак-бўлак ётишди, албатта. Пакананинг бир туки жимир этгани йўқ. Ўлибдими! Аҳмоқ эмас у.

Одамзодга ишониб бўлмас экан. Бир оқшом хизматдошлари билан ошхўрлик килиб, кайфи тарақ, уйга келса — Арофат. Оқ жомасини кийиб, Пакананинг шимига дазмол босяпти. Кўзига чўғдек кўринди. Ўзини ношукурликда айблаб, сўқди. Юраги ёниб-ўртаниб кетди: шундай жонфидо меҳрибоннинг қадрига етмай нима қилиб юрибман ўзи мен?!

Белидан олиб шартта каравотга босди. Биғиллатиб.

Бўлари бўлди. Бокира экан. Ўлдинг, Пакана!

У бирдан ҳовурдан тушиб, каравотнинг ёнига тиз чўқдию ҳўнграб юборди:

— Мен ҳўкизни кечир, Арофат!

Кўз ёшларига беланиб ётган у томон нима деди денг:

— Ишқилиб, бахтли бўлсак бўлди...

Пакананинг сархуш кўзлари шартта очилди: нима-а, бахтли бўлсак?..

Аммо энди кеч эди.

Аммо бу сўзларда беғубор маъсумиятдан бошқа нарса йўқ эди.

Эрталаб Пакана ўзига ўзи ирkit кўриниб кетди. Чойнак-пиёла юваётган қиз ундан баттар! Аламини ичига ютмоққа мажбур. Иложи бўлсаки, ўзининг юзига туфурса, бурнини тишласа, ғажиб ташласа! Айни тобда ё бу алвастининг, ё ўзининг бирдан йўқ бўлиб қолишини, ҳечқурса, ўтган қор-қол мудҳиш бир тушга айланишини шу қадар истардики, эвазига ярим умридан воз кечмоққа ҳам рози эди.

Шундан сўнг Арофат икки ҳафтача кўринмай кетди. Бир кеч Пакана каравотда китоб варақлаб ётган эди, қийшайибгина кириб келди. Қўлида тугунча. Ҳар хил егулик.

Қизни кўриб Пакананинг яна авжи келди. Шу кунлар мобайнида ботинан уни пойлаб юрганини англади. Ўша мастликдаги ишни ҳушёрликда ҳам синаб кўриш иштиёқи туғилди. Синаб кўрди ҳам. Яхши-и!

Шу тариқа бу ҳол яна бир неча бор такрорланди. Икки томон ҳам розидек, икки томон ҳам жимжит.

Бир гал Пакана театрдан ғашланиброқ қайтиб келса — тағин ўтирибди. Дафъатан феъли айниди. Оғзига келган шалоқ гапини қайтармай ҳақоратлаб ҳайдади: «Энди шу ерга қадам боссанг!..»

Арофат сумкачасини олиб, миқ этмай чиқиб кетди. Ёпирай, қанақа қиз-а бу? Бурилиб бир оғиз бир нима деса-чи! «Қаёққа кетар эканман? Бу уйда менинг ҳам улумим бор. Ўзимнинг уйим. Кетсанг, сен чиқиб кет. Мени авраб никоҳдан ўтказдинг, номўсимни барбод қилдинг, энди қаёққа ҳайдаяпсан, номард пакана?!»

Йўқ-йўқ, бошини ердан кўтаргани йўқ. Худди шундай бўлишини олдиндан билгандек, гуноҳқорона бурилдию чиқди-кетди. Дардисарнинг дардисари!

Уни ҳайдаб юборишга юборди-ю, Пакана кейин қилмишига пушаймон бўлди. Виждони эзилди. Яна ўтириб-ўтириб ўзини оқлади: «Тўғри қилдим. Ахир қачонгача!..»

Арофат шу бўйи келмай кетди. Орадан уч ойлар ўтгач, Пакана бир оқшом театрдан дилғаш бўлиб қайтмоқда эди. Кайфи бузўқ. Боя телефонда гаплашаётганида ногаҳон бошқа ёққа уланиб, беихтиёр икки қизнинг ўзаро сирлашувига хуфия гувоҳ бўлди. «Анови ерпаканани бошига урадим, Дилфуз, ўзинг айтгин? Жаҳонгир бало-онд бўйли, сочлари жингала...»

Пакана метрода кетмоқ бўлиб «Пахтакор» бекатига тушаётса, чиқиб қелаётганлар орасидан кимдир кўзига иссиқ кўринди. Йўлини кесиб рўбарў чиқди. Арофат. У ғарибона ерга боқиб паст овозда салом берди.

—Яхши юрибсанми, Ароф? Нега келмай кетдинг? Қиз кўзини ердан узиб, таънаомуз бир қараб қўйди.

—Борсам, тағин жаҳлингиз чиқмасин деб...

Бу гапдан алланечўқ ийиб кетган Пакана тирсагидан ушлаб уни йўлдан четга олиб чиқди.

— Қаёққа кетяпсан?

— Ётоқхонага.

— Қанақа ётоқхона? Нима қиласан у ерда?

— Бир танишимнинг хонасида турибман. Вақтинча.

— Менга қара, нима бўлди ўзи? — Пакана уни иягидан олиб ўзига қаратди-ю, жавдирок кўзлардан шувиллаб оқаётган ёшни кўриб юраги орқага тортиб кетгудек бўлди. Сўнг бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Афтодаҳол. Бу қизга бир бало бўлган. Ёноқларининг эти қочиби, баттар туртиб чиққан, бурун сўррайган. Эгнидаги кенг, узун атлас кўйлакнинг олди кўтарилиб, орқаси осилиб турибди. Аҳвол маълум.

Уйидагалар сезиб қолиб, ҳайдаб юборишибди. Вассалом.

— Нега менинг оддимга келмадинг? — деди Пакана саросимада бошқа гап тополмай, зил кетиб.

— Ўзингиз, энди келма, деган эдингиз.

Ён-верларидан у ёқ-бу ёққа ясан-тусан сулувлар ўтиб турар, кўз қамашар, дил талпинар, орзиқар... улар орасида хунуги, балки энг хунуги мана шу қиз эди ҳозир.

Шундай бўлгани билан Пакана яхши одам эди, олижаноб эди. Айни тобда ана шу бенаво бандаи ожизага нисбатан туғилган шафқат ҳисси унинг сернаъма кўнглини тўлдириб, қолган барча худбин туйғуларни сиқиб чиқарди.

— Ўзимнинг хунуги-им! — деди банди дили бўшашганича уни бағрига олиб. — Уйга юр. Арофат индамай эргашди.

Кейин... озгина можаро бўлди — номига, оқибати— шаҳарда кичкина, қишлоқда кичкина тўй бўлди. Кейин тўнғич қизлари туғилди. Ширингина, талпинчоқ. Кейин — яна, яна. Хуллас, бир вақтлар нодон қиз башорат қилмиш «ишқилиб, бахтли бўлсак бўлди».

Пакана бахтлими? Тўғри, уй-жойи бор, хотин, бола-чақаси бор. Аммо... хотинига кўнгли илимади-илимади. Унга қарагиси келмайди, таъби тортмайди. Уни ўйласа, ғусса босади. Худонинг ўзи кечирсин-у, учала фарзанди ҳам мастликда бўлган. Ажабки, бири биридан зийрак, бижилдоқ. Демак, анов гап бидъат экан-да. Неча бор ажралмоқни қасд қилди. Лекин бундай саришта рўзғорни, беминнат хотину ширин-ширин қизалоқларини тапглаб қаёққа боради? Қизи бор одамнинг кўнгли юмшоқ бўларкан...

8

Замон ўзгарди, энди қиз-жувон эр танлайдиган бўлиб кетган. Танлаганда ҳам нуқул узунидан бўлса, новчаси бўлса буларга! Ҳам дароз, ҳам жингалак сочиға-ку нима етсин!

«Қадрли томошабин» Пакана, кўрсатувлар жадвали баҳона, ҳар хил олди-қочдилар босиладиган энгилтакроқ бир рўзномага обуна эди. Уни қўлига олган заҳоти «Совчи» деган жойига разм солади. Гўзал, хушқомат, замонавий, жозибадор, латофатли, билқиллаган (ўзгиналарининг таърифи — «приятной полнота») хонимларга эр ёки жазман керак экан. Талабгорнинг бўйи 180—190, аммо зинҳор-базинҳор 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги шарт. Амриқо ёки бошқа бирон бойроқ араб мамлакатини кўзлаб турган тадбиркор, корчалон жаноблардан бўлса-ку, яна ҳам яхши, нур устига нур. Лекин энг муҳими — бўйи, қадди-қомати! 170 сантиметрдан бир мири кам бўлсаям — чиқит, туёғини шиқиллатаверсин. Новча бўлса-чи, нодону молтабиат чиқса ҳам майли, тўнкалик қилсаям марҳамат, ҳар куни итдек ичиб келиб тепкиласаям — бош устига! Тавба!

Пакана бу рўзномани қўлга олмаслиги, ўша шарманда жойига кўз ташламаслиги ҳам мумкин, албатта. Мумкин-у, биргина нарсдан умидвор-да: бўй-пўйининг аҳамияти йўқ, паканасиям бўлаверади, одам бўлса бас, деган эълон чиқиб қолармикан?.. Қаёқда! Ҳаммасига...

Йўқ-йўқ, ўшанақаси топилиб қолса, дарров югуриб бормоқчи эмас, илинжи бошқа ёқдан.

Дунёда шундай аёл ҳам борлигини билса — кифоя. Таскин-тасалли-да.

Пакананинг ошиқ кўнгли меҳрга, муҳаббатга зорлигини биламиз. Хотинига кўнгли йўқ, унга қарамаслигидан ҳам хабаримиз бор. Демак, ягона йўли — четдан маъшуқа орттириш. Эски орзу сўнмоқ ўрнига, йилдан-йил алангаланиб бораётир. Аммо, нотавон кўнгилга қўтир — жомашов. Таъбингизга мос-монанди бу оламда йўқ. Бор чиройли аёлларнинг бошида чиройли эрлари ҳам бўлади. Чиройли, кўркам бўлмаганда ҳам новча, қадди расо бўлади улар. Новча бўлмаганлари эса шундай бир хислат ёки қудратга эгаки, уларнинг қошида ҳар қанақа дарози ҳам қуллуқда туради. Айни шунисига қараб чиройли аёллар уларни танлаган. Агар улар ишончни оқламаса, оқлайдигани топилади. Ҳар қадамда. Бозор бу!

Пакана ана шундай бозорнинг молу харидорларини кўп кўрган.

Қайси йилидир, ёш олим юртдоши уни қўярда-қўймай бир хонадонга зиёфатга олиб борди. Баҳаво ҳовлини, қасрсимон иморатларни, у ердаги дабдабаю асъасани таърифлаш шартмикан? Номини тутиб балога қолмайлиг-у, пойтахтдаги нуфузли, кўчадан келган ҳар қандай одам икки дунёда ҳам остонасига қадам босолмайдиган бир билимгоҳнинг йил сайин қабул ҳайъатида баковуллик қиладиган йўфон домласи қанақа даврон суриши мумкин — тасаввур қилиб олаверинг. Зиёфат ҳам шунга яраша, келажаги порлоқ қўша-қўша дастёр аспирантлар типирчилаб хизматда эди. Меҳмондан мезбон кўп.

Майли, гап ҳозир буларда эмас. Чаман гулзор билан мрамар фаввора ўртасига жой қилинган эди. Дастурхон бошида етти-саккиз чоғлиқ одам — эр-хотин, эр-хотин. Кўринишдан зиёли, ўзига яраша мавқели бу кишиларнинг бари бир жойдан етишиб чиққан, бирга ўқиган тенг-тўшлар, бошлаб борган дўстининг ҳамқишлоқлари экан. Олис бир қишлоқдан келиб шаҳри азимда шу қадар томир отган бу жамоага Пакана чинакамига ҳавас қилди: биз ҳам ўзимизни одам бўлдик деб юрган эканмиз-да!

Базмнинг қаҳрамони иккита эди.

Аввало, ҳамманинг диққат-эътибори давра тўридан жой олган тўпорисифат кимсада. Эшонга ўхшаб бетакаллуф кўр тўкиб ўтирган бу одам ўша ёқдаги қандайдир йирик, сердаромад хўжаликнинг эгаси экан. Чамаси, зиёфат «отахоннинг пойтахтга юриши» шарафига бўлмоқда эди. Катта-катта фан уламоларининг тандиркабоб чайнаб, олий меҳмоннинг оғзига тикилиб ўтириши эриш туюларди. Начора, ҳаёт ҳақиқати шу.

У кишининг диққат-эътибори эса, давранинг яна бир қаҳрамони, йўқ-йўқ, гултожи деса арзигулик Зубайдахон исмли бениҳоя соҳибжамол жувонда эди; асосан шу билан сўз беришиб, шу билан сўз олишади, қолганларники бор-йўғи — изоҳ, илова, ялтоқланиб кулиш, гап маъқуллаш, холос.

Ёлчиб ўтирар-ўтирмас, Пакананинг даврадаги вазифаси аён бўлди-қолди. «Улуф меҳмон»нинг муборак қиёфасини ҳозирча хомакироқ акс эттириб бериши лозим экан, эсдаликка. Бебилиска зиёфатга судраган писмиқ дўстнинг иши.

Пакана даврадан четроққа курси қўйиб, доим елкасида юрадиган қалин жилддан бир тахта қоғоз олди-да, қоратош билан чор-ночор ишга киришди. Лекин, қиёфа бирпасда битди. Теп-текис, маъно-ифодасиз манман бир башара — нимаси қийин?

Эгаси расмни роса зеҳн солиб, мароқ билан кўздан кечиргач, «Да-а, талант!» деб баҳо берди ва «башара»сини давра аҳли ҳукмига ҳавола этаркан, рассомни ёнига имлади. Унинг кўлини сиқиб, эътирозга ўрин қолдирмайдиган хуфия бир қатъият билан чўнтагига нимадир тикди-да, «Зубайдахонни ҳам!» дея амр қилди.

Боягиси қанчалик осон бўлса, бу толшириқ шунчалик мураккаб, айни чоқда мароқли эди. Иш асноси Паканани нозик бир жумбоқ банд этди.

Таништирувдан маълум бўлишича, каттаконлар даволанадиган махсус шифохонада бўлим мудир лавозимида ишлайдиган бу баркамол хонимнинг эри ёнида муштдеккина бўлиб ночор ишшайиб ўтирган, даврадаги энг кўримсиз, пачоқ кимса экан. Пакана қаттиқ таажжубланди. Аввало, пойтахтдаги манаман деган киборона олиймақом базмларни безамоққа қодир бул

аслзода хонимнинг ҳув дала-даштларда туғилиб ўсганига ақл бовар қилмасди. Қолаверса, у нега келиб-келиб шундай шумшук таъвияга эрга теккан? Ахир, мана, танласа танлагудек мактабдошу синфдошлари бор экан, ҳечқурса, ана, қудратли тўпори...

Бу чигалликнинг тарихи эса оддийгина. Мана шу ҳозир қисиниб-қимтиниб ўтирган пачоқ кимса бир пайтлар мактабнинг олди, даврадошларнинг энг зўри, энг аълочиси бўлган. (Унда анови тўрда талтайиб ўтирган акамиз мактабда зўрға ўқир, беш карра беш — йигирма беш, деса биров, «Жўғ-э, йеллик беш бўлса кераг-ов, йеккита беш-ку!» дейдиган даражада эди.) Табиийки, қизларнинг аксарияти шунақа пешқадамларга талпинади. Сираси, у кезлар Зубайда ҳали етилмаган ёр бир ғунча эди. Севишганлар, одатдагидек, бирга ўқишга келадилар, бирга ўқийдилар. Уйланишгач, мусофирчилик, камхарж рўзғор, «игна билан қудуқ қазиш» машаққатлари азалдан жуссаси чоғроқ эрни эзғилаб, янада пачоқ қилиб ташлайди. Азалдан дуркунроқ, беғамроқ, бўлган хушрўй хотин эса, туққани сайин етилиб, очилиб кетаверади — авлодида шундай хислат бор экан. Боз устига хизмат жойининг шарофати билан катта охурларга ўрганиб, димоғдор жамоатнинг тенг ҳуқуқли аъзосига, наинки оддий аъзоси, кўпинча гултожигга айланадики, буни кўрган шўрпешона эр борган сари рашку хавотирда ўртаниб, ич-этини еб, баттар синиб, ниҳоят, мана шундай афтода-абгор ҳолга тушиб қолади. Энди бирор ўзгариш яшаш маҳол. Фан номзоди тугул етук уламо бўлганинда ҳам, бу сохта-сипо дабдабалардан воз кечиб киндик қонинг тўкилган маъсум лолақизғалдоқ адирларга чиқиб кетганинда ҳам номинг шу — «Зубайдахоннинг эри»!

...Рассом бот-бот кўз ташлаб, ана шундай ўйлар оғушида, ниҳоят, париваш бир рухсорни қоғозга кўчириб битказди. Хўрсинди. Рассомлик яхши ҳунар, гашти бор.

Лекин — паканалик қандоқ ёмон, пачоқлик қандоқ аламли!

9

Умидли дунё, Пакана ҳали-ҳамон бир куни мўъжиза рўй бериб бўйим чўзилиб қолар, деган хомхаёл билан яшар экан, бу орада яна бир балога гирифтор бўлди.

Кўза кунда синар, лекин бошдаги соч бир кунда тўкилмас!.. Пакана бўй ўстириш ғамида юрибди, соқол-мўйловнинг пардозига зўр берибди-ю, яна бир муҳим нарсани назардан қочирган экан. Бир эрта ойнага қараб соч тарайин деса, куни кеча кўпириб турган матоҳ, тароққа илинмайди, баракаси кетган. Сийпаб кўрмоқчи эди, бир тутами юлиниб кўлига келди, таги очилиб қолди. Кўзгу эса худди масхара қилгандек бешафқат ҳукмини ўқиб турарди: ҳаёт — ана шундай бамисоли бир бекинмачоқ, биродар, кутилмаганда панд беради. Ёшлик даврони ўтди энди, қаридинг... Қаридим? Қачон? Мен ҳали нимани кўрибман, ахир?

Мана, бор умиди — соч ҳам тамом бўпти. Бир маҳаллар, бўй ўстириш ташвишида юрган кезлари кўрган туши бугун чинга, аччиқ ҳақиқатга айланди. Ўшанда бир кеча уйқудан йиғлаб уйғонган эди: тушида бошини силаса, сочи йўқ эмиш.

Тез орада бори ҳам узоққа етмади, соб бўлди. Соқол-мўйловнинг бундай ғовлаб кетгани бежиз эмас экан: бир жойда кўпайса, бошқа жойдан камайиши тайин. Ҳаммасининг ҳисоби бор. Табиат қонуни дейдилар буни, Паканабой!

Шу тариқа, бўй ташвишига мўй ташвиши қўшилди. Бу бобда ҳам доно кўп экан. Бирови такрор-такрор устарада қирдиришни маслаҳат берса, бошқаси— гуручнинг зардобию намакоб (жайдари туз бўлиши шарт!) билан ювишни, бирови — саримсоқпиезни бошга ишқашни, яна бири буқачанинг шаҳват безинию қора қўйнинг қатиғини суркашни уқтиради. Кимдир ҳатто ермойи — керосин билан чайиб кўрмоқни тавсия қидди. «Донолар бисотидан баҳраманд бўлиб» неча кунлаб сасиб-анқиб юрганлари!..

Пакана бу ишга хотинини ҳам сафарбар этган эди. Унинг асл мақсадидан беҳабар гўл хотин югуриб-елиб ҳар хил ўткир дори-дармон топиб келади денг: мажорлар ўйлаб топган камёб

«Банфи»ми, латишлар чиқарган антиқа «Дзинтарс»ми...

Хуллас, қилмаган илму амали қолмади. Бефойда. Бир гал телевизорда кўрсатилди. Амриқолик бир афанди тепакал бошини сигирга ялатган экан, гуркираб жингалак соч ўсиб чиқибди. Пакана ўз кўзи билан кўрди: ялтирбош бир давангир чўзилиб ётибди, говмиш келиб ялаяпти. Бу янгиликни ўзидан ҳам бедавороқ тепакал хизматдошига айтган эди, у энсаси қотиб қўл силтади: «Бўлмаган гап! Агар бунинг иложи топилганида, Горбачёв бобо аллақачон жингалаксоч бўларди».

Паканамиз шундан кейингина синалган усулга ўтди. Рассомлиги кор келиб, тажрибали тепакаллар сингари моҳирлик билан ён-верига соч толаларини пешонасига тараб юрди. Бора-бора бундан ҳам ҳафсаласи совиди. Шамол-шабадада юриб бўлмаса, қўлингиздан тароқ тушмаслиги керак.

Шундай қилиб, паканалик етмагандек тепакал ҳам бўлиб қолдилар акам. Энди «хў пакана»гина эмас, «хў кал» ҳам деб чақириладиган бўдди. Худоям қизиқ: бировни топиб олса бас, ҳадеб шуни тарсакилайверар экан.

Аслида-ку, гап сочда ҳам эмас, бўйда ҳам эмас. Зўр бўлсангиз — паканамисиз, новчамисиз ё тепакалмисиз, жингалаксочмисиз — аҳамияти йўқ. Ношуд-нотавон бўлсангиз эса — бари баҳона. Қисқаси, гап омадда. Гап кўнгилда, кўнгилнинг тўқлигида. Йигит кишининг омадини берсин денг. Омади ёр одам қиёфасидага унча-мунча қусурга парво қилмайди. Буни табиатнинг иши деб, ортиқ бош қотирмайди. Негаки, бунга вақт сарфласа, шу билан машғул бўлса, омад кетиб қолади. Уни тутиш эса осон эмас. Омад юришмаса, бир қучоқ соч ҳам, теракдек қомат ҳам бир пул, қуруқ сумбат, холос. Бўйни худо беради, соч — бошдаги омонат мўй, эртами-кечми, ҳаммадаям тўкилиши мумкин. Буни дебгина қайғурмоқ — умрнинг заволи.

Дарвоқе, тепакаллик ҳам ҳусн, соч тарамасининг бир тури, холос, деган тушунча бор. Баъзиларга ярашганини айтинг! Билсангиз, машҳур кишилар пакана бўладими, тепакал бўладими, барибир, кўзга иссиқ кўринаверади. Шу нуқсонлари ҳам ёқимли, жозибали, ҳатто суюмли туюлади. Инсон — бетакрор мўъжиза, уни айнан қайта яратиш Исонинг ҳам, Мусонинг ҳам қўлидан келмас. Мана шу, Обиджон. Уни новча ёки ўртабўй ҳолда тасаввур қилиб кўрингчи, нимаси қолар экан?

Омад деганлари бир маҳаллар Пакананинг ҳам бошини (тўғри, унда тепакал эмас эди) силаб ўтган.

Пакана рассомлик билим юртини тугаллаш арафасида диплом иши сифатида «Орзу» аталмиш каттакон бир портрет яратди. Ёшликка хос ғайрат ва эҳтирос билан ишланган бу асарга у мўйқалам тутган кунидан бошлаб расмини чизиб келган сулув қиз-жувонларнинг энг жозиб жиҳатларини назокат ила жамлай билган эди. Унда сумбул сочларини тараётиб, қўлида тароқ, ўртагувчи бир ғамза билан қиё боқиб турган соҳибжамол сиймоси акс эттирилган эди. Кимдир бир барака топкурнинг назари тушиб, асар «Санъат» журнали муқовасида эълон қилинди. Сўнгра уни «Субҳидам», «Нозанин», «Тараддуд», «Сумбул», «Бокира»га ўхшаш ҳар хил номлар билан, исми безакли газет-журнал борки, бари кўчириб босди. «Ўзбекистонлик ёш мўйқалам соҳиблари» деган сарлавҳа остида Московдаги «Искусство» журналида ҳам чиқди. Талабалик ётоқхоналаридан тортиб, турли дўкону сартарошхоналарнинг деворлари, трамвай-троллейбусларнинг ойналаригача «Субҳидам»у «Тараддуд», «Бокира»ю «Нозанин», «Сумбул»у «Орзу»ларга тўлиб кетди. Дейлик, машҳур «Нотаниш аёл» ёки «Мона Лиза»ларга ўхшаб!

Асар тўғрисида матбуотда роса баҳс-мунозара ҳам бўлди. Қиз сиймоси чинакам эҳтирос ва маҳорат билан чизилгани эътироф этилиб, инжиқ мунаққидларни расмдаги бошқа бир ҳолат ҳайратга соларди. Чунончи, асарда субҳидам палласи тасвирлангани аён кўриниб турибди, хўш, унда дераза оша тушаётган тўлин ой ёғдусию ана шу ёғдуда ғужтон ўйнаётган юддузлар тасвирини қандай тушунмоқ керак? Бунда қандай рамзий маъно бор?..

Рости, бу саволга Пакананинг ўзи ҳам жўяли жавоб бермоғи даргумон эди. Шундай чизгиси

келган — чизди. Вассалом.

Энди ўйласа, асарни машҳур қилган сир ана шу ғалатилиги, ана шу «хато»сида экан.

Авом томошабин назарида унинг бошқа «хато»лари ҳам бор эди. Дейлик, нега шундоқ офатижон фақат ён тарафидан кўрсатилган, нега қия қараб турибди, холос? Юзини кўрсак бўлармиди... Асалнинг ози яхши, биродар!

Шухратнинг қаноти бор. Асар ўзи ягона-ю, таъбига қараб ҳар ким ҳар хил номлайверганидан у бир эмас, бир нечтага ўхшаб қолган, бинобарин, Пакана биттагина эмас, бир неча машҳур асарнинг муаллифига айланган эди.

Шухратнинг қаноти борлиги ҳақиқат. Ўша кезлар Пакананинг оёғи ерга тегмас, бир куни кўчада бораётиб ҳатто бўйи чўзилиб, осмонга учиб кетаётгандек ҳам бўлган эди. Қаерга бормасин, ёнвериди шивир-шивир: «Ана, истеъдодли ёш рассом... «Орзу»ни чизган-чи, ҳув «Нозанин»ни... Бўлажак Чингиз Аҳмаров дейишяпти...» Унда ҳеч ким пакана демас, паканалигига эътибор бермас эди. Унда анови Обиджон деганларидан ном-нишон ҳам йўқ эди. Бешоғочнинг «думба-жигар» сомсасини чала чайнаб, елкасида ўзидан катта ишхалта, ер бўлиб «Ёшлик» журнаliga безак-пезак чизиб юрарди. Бугун энди... Чархнинг ўйинини қаранг!

Пакана-ку осмондан тушгандек бу шухратдан талтайиб кетгани йўқ, бироқ талай замон хотиржамликка берилиб, ўшанинг ёғдусида исиниб юргани рост. Бу ёғду шу қадар ўткир эканки, кейин ишлаган расмлари «Орзу»нинг такрори — иккинчи, учинчи нусхалари бўлиб чиқаверди. Шу тариқа ўртамеёна бир косибга ўхшаб қолди. Аслида ўзи кирови истеъдоди йўқ эканми, «Орзу» анчайин тасодифий иш бўлган эканми ёки институтдаги даққи қолип таъсир қилдими, кечаги умидли ёш рассом оддий безакчига, яна ҳам тўғрироғи — мана шу Паканага айланди-қўйди. Бугунги мўрт, сарсари туғёнлари, ўзини ўзи еб юришлари, омадсизлик дарди, бари-бари ўша — кузак қуёши мисол йилт этиб ўтмиш омонат шухратнинг йўқлови, аламзадалиқдан, холос. Ўзи ҳақида бошқача фикрда эканининг ҳам бир чети шунга боғлиқ.

Институтда у театр рассомлиги бўлимида таҳсил кўрди. Бу ерда бошқа нарса талаб қилинарди. Аста-аста рангасвир, портрет турларидан қўли чиқа бошлади. Боз устига, омади оқсаб, вилоятга кетиб қолди. У ердаги кўлмак муҳит тирикчиликнинг ўнғай йўлларига етаклади. Шу йўсин — ке-етди. Бугун энди изтиробда ўртанади: хўп, ана, ўн йиллар чамаси ўқидим, қолгани-чи, қолган умр қаёққа кетди? Ке-етди. Қулоғини ушлаб. Бошқа амалга ноқобил бўлгач...

У бирон бир фавқулудда иш кўрсатиб, ўзининг оддий пакана эмаслигини, умуман, пакана эмаслигини исботламоқни, эларо ном таратмоқни орзу қилар, зўр бериб турли-туман режалар тузар эди — шояд шунда камписанд паканалиги билинмай кетса!

Лекин, нима ҳунар кўрсатсин? Омад кетган. Кетган омадни қайтариш учун ғайрат керак, шижоат керак, оддий умргузаронликка хос талай неъмат ва ҳаловатлардан мардона воз кечмоқ керак бўлади. Бунинг учун эса озгина рағбат, озгина шиддат даркор. Завқ, илҳом даркор. Илҳомбахш кимса эса йўқ. (Илҳомкуши-ку истаганча топилади.) Уни топмоқ учун яна озгина омад зарур. Омадсизга ит ҳам қарамайди.

Хуллас, бири бирига боғлиқ, тағин ўша сарсон ҳалқа!

Пакананинг шашти синган, ўзидан кўнгли қолган эди. Ўзидан кўнгли қолган одам — ярим одам, чала одам, одам эмас ҳам дейиш мумкин. Ахир, бўй йўқ, соч йўқ, омад йўқ! Дунёдан умидни узсангиз ҳам бўлаверади, Паканабой!

Отахон драматургнинг навбатдаги зиёфатидан кейин Пакана бунга айниқса амин бўлди.

10

Отахон драматург қўли очиқ, дастурхони очиқ, серҳиммат муаллиф эди. Бўшгина-бўшгина «эъжод»ларини «гўшти сиздан, суяш биздан» қабилида театрга келтириб ташлар, ўзи қорасини кўрсатмай кетар эди. Лекин каттакон маҳкамалардан сим қоқдириб безор қиларди. Шундан

сўнгана бирон режиссёр сўка-сўка бу хомашёни қўлга олар, актёрлар билан кўпайлашиб, сўка-сўка уни «одам қатори»га қўшар эди. Ана шунда муаллиф қайта пайдо бўлиб, «у ёғидан сузинг, бу ёғидан сузинг» дея айланишиб қоларди. Кейин, то, асар тайёр бўлгунча жамоага бир неча маротаба зайтуну илик ёғига ош қилиб, спектакль тайёр бўлган куни торроқ даврага, у саҳнага чиққан ялпи кўрикнинг эртасига кенг даврага дабдабали зиёфат берарди.

Кенг даврага мўлжалланган бў галги базм «Баҳор» ресторанининг баҳаво, мухташам толорида ўтмоқда эди. Зиёфатга келган ҳам келган, келмаган ҳам келган. Театрга, умуман, санъатга ҳеч бир алоқаси йўқ, кечаги кўрикда ҳам қорасини кўрсатмаган аллақандай ясан-тусан хонимлару арбобсифат жаноблар. Бамисоли тўй дейсиз. Тўй-да, ахир, отахоннинг байрами, театр устидан қозонган ғалабасининг тантанали намойиши! Ана шунинг нашъасини сургани, бирга баҳам кўргани келган булар. Аксариятини Пакана илгарилари ҳам худди мана шундай сипо жамоатда, текин зиёфатларда учратган.

Дастурхон одатдагидек обод, анвойи ичимликлар шаршара, ягона камчилиги — анқонинг уруғи булбулнинг сути топилмабди қурғур! Анқонинг уруғи — ўз номи билан анқонинг уруғи-да. Айниқса, шу замонда.

Хомашёни «одам қилиш»да қаҳрамонимиз ҳам иштирок этган, бош рассомга кўмаклашув баҳона (аниқроғи, у — нозиктаъб мусаввир — Тўликжон ҳазар қилгандек бурнини жийриб четга чиққанда), асосий хизматни Пакана бажарган эди. Шунга қарамай, ҳозир бор-йўғи номаълум, пойгакроқда бир четга сиқилиб ўтирарди, қолганлар — «саҳна»да.

Базмнинг тантанали қисмини бош режиссёр очди. У асарни деярли тилга олмай усталик билан айланиб ўтди-да, жамоадан изн сўраб, оддига қатнаб юрадиган жикиллоқ шоир ошнаси ҳамроҳлигида тезгина қаёққадир жўнаб қўйди. Бошқа жойда чортанги бўлса керак. Саҳна «қутулган девлар»га қолди. Кечагина чангини чиқариб сўкиб юрганлар тўкин дастурхон устида муаллифни кўкларга кўтариб макташди, «Тағин жиндаккина ишланса, «Келинлар кўзғолони»дан ўтиб кетади», дея башорат қилишди. Отахон тўрда талтайиб ўтирди.

Спектаклнинг безаклари тўғрисида гап кетганда таъриф Тўликжонга тегди, албатта. Ҳолвани ҳоким ер.

Сал ўтиб, шўх яллаю рақс бошлангач, аҳли базм хотамтой муаллифни, унга қўшиб қаерда, нима муносабат билан ўтирганини ҳам эсдан чиқариб юборди. Ит эгасини танимай қолди. Театрдаги можаролардан сиқилиб юрган боёқиш актёрлар сиполик тўнини ечиб ташлаб, яйрамоққа тушиб кетишди.

Чаппор уриб ирғишлаётган бахтиёрлар сафидан бир қиз Пакананинг диққатини тортди. Кўзига иссиқ кўринади: ким бўлди бу? Меҳмонларданмикан? Чехраси мунча чароғон, муқомлари бу қадар ёқимли, ярашиқли!

Ўзи шундай: чиройлилар доим таниш туюлади. Аммо сен унга нотаниш — «чархи кажрафторнинг бир шеваси».

Пакана кўз узмай ром бўлиб ўтираркан, оққуш мисоли қанот қоқа-қоқа даврани айланаётиб қиз унга жилмайиб ўтди. Таниш, таниш! Бўлмаса... Шу маҳал қаёқдандир пайдо бўлган анови суллоҳ сайёд — Нурали қизнинг олдини тўсиб чиқдию... Пакана доғу армонда қолди.

Чархи кажрафторнинг яна бир шеваси!

Ким эди у таниш-нотаниш дилбар?

Хийлагина ичиб қўйган Пакана сўнгра чалғиб, чиройли хонимларга сукдана-сукдана, уларнинг эрка, нозли рақсларини кузата-кузата, туйқус хўрлиги келди. Ташқарида оламни ларзага солиб, одамни ғафлатдан огоҳ этиб момақалди роқ гумбирлаётибди. Баҳор. Яна бир баҳор! Бу ерда ҳамма шод, бахтиёр. Умр ўтпти! Унга эса биров қиё ҳам боқмайди, «итмисан, битмисан» демайди, иши йўқ. Ё раб, бу қандай ноҳақлик!

Дафъатан бу ҳуррам зиёфатда, бу жамоатда ўзини ортиқча, итдек хор, битдек зор, пачоқ, пажмурда кимсадек сезди. Вужуд-вужудини қақшатган бир алам билан бошини мушлари устига қўйганини билади...

— Ўзгинам қолдим сизга, Паканажон, туринг энди!

Бошини аранг кўтарса — Қамара. Оҳанжама сўмкачасини кўксига босиб, ўн саккиз яшар нозанин мисол нозланиб турибди. Одатдагидек — бўялмаган, бежалмаган жойи йўқ. Атир-упасидан бош баттар айланади. Актёр халқи ўзаро хийла дангал, бетакаллуф бўлади. Упа-эликни меъеридан ошириб юриши учунми, фарқўзлигию бепардароқ қилиқлари учунми, бу аёлни очикдан-очик, юз-кўзи олдида шундай деб аташа-и. Ўзи эса пинак бузмайди, бирор сўз билан эътироз ҳам қилмайди. Ким билсин яна!

— Бош оғрияпти, Қамара опа. Айтинг, мени уйга элтиб ташласин бирортаси, — деб ғудранди Пакана.

— Вой, бошгинангдан опанг айлансин, нималарга оғрийди-ё? Туринг энди, тасаддуқ, бизлардан бошқаси қолмади бу ерда, — деди Қамара унинг кўлидан тортиб. — Сизни ўзим олиб кетмасам...

Пакана кўзини ишқаб теваракка қараса, чиндан ҳам, уларга таажжуб аралаш тикила-тикила столларни саранжомлаётган икки хизматчи хотиндан бўлак кимса кўринмайди. Қолганлар қаёққа кетди? Қамара нима қилиб юрибди бу ерда?

Қамара — туғмас, кўп йиллар бурун эридан ажрашган бўлиб, театрнинг орқасида, бир хонали уйда ёлғиз яшар эди.

Паканани уйига олиб келиб, у қилди, бу қилди, эпақага келтириб олди. Кейин тун бўйи унга сиғиниб чиқди. Хулосасини сахарда айтди:

— Энди яна қачон кутай, жоним? Сендақасини камдан-кам кўрганман...

Қари қанжиқ! Бугун бозоринг касод-да. Беш-олти йил илгари-ку менга ўхшаганни яқинингга йўлатмасдинг. Гапини қаранг! Буни бекорга ановинақа дейишмас экан. Мана, ўз оғзи билан айтиб турибди — кўпни кўрганини, кўпдан қолганини!

Кейин дафъатан ичи тўкилгудек бўлиб кетди. Бу ростдан ҳам ўша Қамарами? Ўша машҳур актриса Қамара Раҳимова? Пакана ўспирин ёшлигида суратларига сиғинган, ишқи илоҳий боғлаган Қамара? Унга яқинлашувни хаёлига ҳам келтиролмаган Қамара? Қани у, қаёққа кетди?..

Рўпарасида қийшанглаб турган аёлни танимади, ўзини ҳам танимади. Бу қандай шафқатсизлик!..

— Мени нима қиласан, Қамара? — деди кун кўрмаган шўрлик Пакана унинг сўзларига ишониб-ишонмай. — Афт-ангоримни кўриб турибсан...

— Зато-о!.. — деди аёл бошини сарак-сарак қилиб.— Куйинма, тасаддуқ, маймундан берироқсан...

Пакана ўша куни балчиққа ботгандек ижирғаниб, ўзини маймундан баттарроқ ҳис этиб қайтди уйига.

Бўлди, бас! Бошқа бу йўлга кириш йўқ. Ёшлик, бебошлик даври ўтди энди. Ҳавойи ҳавасларга чек қўймоқ керак. Насибасида бори шугина экан, начора? Бу ёғи қизлари катта-катта бўлиб қолди...

11

Ёшликнинг оқава нафаси ҳали олдинда эканини билмасди Пакана. Чин муҳаббат ҳали олдинда эканини билмасди у. Ҳали Мажнун янглиғ изтироблар чекажагини-да билмасди. Ниҳоят, «Орзу»сига етай деганида унинг яна «Армон»га айланиб қолишидан ҳам беҳабар эди.

Худойим ёрлақанган бир кун Пакана устахонасидан чиқиб нимадир юмуш билан режиссёр дўсти Хайрулла Ҳошимовнинг ҳузурига бораётган эди, иттифоқо сахна ортидаги торқоронғи йўлақда оппоқ либоси хуш қоматини кўз-кўз қилмоқчидек ёпишиб турган, сермавж кокиллари елкасини тўлдирган бир қизми-жувонга рўбарў келиб қолди. Недандир кайфи чоғ эди, завқи тошиб, ўйлаб ўтирмай уни белидан маҳкам кучоқлаб олди. (Театр оламида бундай қилиқлар

кўпда айб саналмайди.)

— Вой-вой, кимсиз? — дея қийқирди қизми-жувон типирчилаб.

Пакана «ўлжа»сини қўйиб юбормай, ижиғ-бижиғ кутариб йўлакнинг бошига — ёруғроқ жойга олиб чиқ-дию... Ўшанда унинг ҳолатини кўрган одам!..

— Вой, сизмидингиз? — деди қиз нафасини ростлаб.— Қўрқитиб юбордингиз одамни.

— Сиз... ўшамисиз? — деди Пакана ҳув баҳордаги зиёфатни эслаб, ҳайратда.

— Сиз... ўшамисиз? — деди қиз ҳам Кумушбибининг оҳангида такрорлаб.

— Ме-ени танийсизми?

— Ия, танитай нима? Рассомсиз-да.

— Қаёқдан биласиз? Ўзингиз-чи, ким?

— Вуй, манови кишини! Кунда неча бор кўрадиган одам!.. Ҳазиллашмаяпсизми ўзи? Келганимга бир йилдан ошди-я! Сафсарман-ку, рассом ака, Сафсар Нишонова. «Кўзғолон»да кенжа келин бўлиб чиқаман, эсингиздами? Биздан бошқа ҳаммасининг портретини чизгансиз-да, бизни танитайсиз!

Пакананинг эси оғиб қолган эди: ўнгими, туши?

Рўпарасида айнан «Орзу»даги сумбул сочли бокира нозаниннинг ўзгинаси!..

Бир йилдан бери кўзинг қаёқда эди, Пакана? Пакана бўлсанг ҳам одам эдинг, йигит эдинг, кўнглинг орзуларга тўла эди — кўзинг қаёқда эди, оғайни?

Ўзидан кўнгли қолган одам атрофга парво қилар эканми? Қолаверса, гавҳарни таниб олмоқ — эшкак эшмоқ эмас!

— Кечирасиз, мен сизни Қамара опа деб ўйлаб...

— Ачиняпсизми? — деди Сафсар шўхлик билан. — Қамара опадан ёмон эканманми?

Бу — ўзингни бунча пастга урдинг, эй йигит, дегани эмасми?

Бу — мен эканимни билганингда қучоқламасмидинг, дегани эмасми?

Бу — қилган ҳақоратингга чидаганим учун раҳмат айтгил, дегани эмасми?

Бу — гавҳарни шиша синиғидан фарқлаёлмаган заргар заргарми, дегани эмасми?

Бу — дунёдан безган зоҳид ҳам кўзини очиб юради, дегани эмасми?

Бу — ҳайф сенга, эй бефаҳм, галварс пакана, дегани эмасми?

У ёғини ўзинг танлаб ол, биродар!

— Қачон, қачон чизай расмингизни? — деб сўради Пакана тотли тушдан уйғонгиси келмагандек чиппа ёпишиб. — Ҳозир десангиз — ҳозир, ҳозироқ...

— Майли, кейин. Бошқа пайт. Ўзим кираман олдингизга. Ҳозир Нурали ака билан бир ёққа бориб келмоқчи эдик. Келишдикми? Қўлни ташланг!

Пакана жойида михланиб туриб қолди.

12

*«Дунёмидинг, рўёмидинг — билмадим...»**

Пакана дарҳол бу сирли фаришта бўлиб кўринган қиз ҳақида маълумот тўплашга киришди.

Сафсар институтдан кейин бирга ўқиган сабоқдошига эрга тегиб, Самарқанд театрига ишга кетган экан. Икки йилми-уч йил яшаб, муросалари келишмаганми, ажрашиб қайтиб келибди. Бу орада нима балодир бўлиб эри қамалиб кетибди. Жажжи қизчаси бор экан. Бу ерда ишлаётганига ростдан ҳам анча бўлганмиш.

У ёғини сўрасангиз, эри бир вақтлар Фарҳоду Тоҳир ролларига мўлжаллаб қабул қилинган эди ўқишга. Худойим ҳам бошқадан (Паканага ўхшаш шўртумшўқлардан) қисган бўлса қисганки, манаман деган йигитга атаган борини шунга берган эди. Баланд бўйли, хушбичим, хушсуврат, хуллас — тайёр Фарҳоду тайёргина Тоҳир! Бироқ, тўрт йил давомида на ўқиш билан иши бўлди, на бошқа билан. Бешоғочлик безориларга қўшилиб наша чекиб юрди, яна

кўп номаъқулчиликларга бош қўшди. Бир дафъа шимол ёқдан келган биттасини ҳамтовоқлари билан ўртага қўйиб «ҳашар» қилгани учун қамалиб кетишига ҳам салгина қолган. Бу безорини ўқишдан ҳайдасаям бўларди-ю, эркак домлалар, айниқса, занчалишроқ ректор уни кўрганда типирчилагудек бўлиб ўзи келиб саломлашарди — кўлидан ҳар иш келади-да! Аёллар эса... кўнгли сув очиб кетарди: шундоқ йигитлар турганда кимга теккан эканман-а! Унинг ярамаслигини билишарди, албатта, аммо барибир кўрганда ўзларини йўқотиб қўйишарди. Биламиз, биламиз — аблаҳ, аблаҳ-у, лекин яхши — яхши аблаҳ!

Сафсар қандай тушиб қолган унинг чангалига?

Сафсар ҳам ўша аҳли зеболар қавмидан, нима, унинг шохи бор эканми?!

Бор, бор! Паканага қолса, у бошқа, бутунлай бош-қа, ўзгача!

Наҳот, шу чоққа қадар Пакана уни театрда бирор марта кўрмаган, учратмаган?

Кўрган, учратган, аммо зеҳн солиб қарамаганда, эътибор бермаган. Аёл нарса дарров кўзга ташлана қолмайди. Театрда қиз-жувон кўп. Ҳафсаласи совиган одамга уларнинг бари — бир хил. Аёл киши баъзан қандайдир бир либос киядию тамоман ўзгариб, бошқача бўлиб қолади. Пакана Сафсарни шундай ҳолатда учратдимикан ё?..

«Дунёмидинг, рўёмидинг — билмадим...»

Ишқу илҳом жунбушига тушган рассом келасолиб, бисотида ардоқлаб юрган бир тахта нафис хитойи картон билан сувбўёқларини ҳозирлаб қўйди. Портретдан қўли чиқиб қолган одам ишни шундан бошлагани маъқул. Хомакисини қилиб олиб, сўнгра мойбўёқ билан мусовадага — матога кўчиради. Вактни ҳам чўзиши керак-ку. «Сен билан ўтказган дам...»

Қани энди, ундан дарак бўлса! Бир қарасангиз — қизчаси бетоб, бир қарасангиз — ўзи, гоҳо репетиция-а ё қаёққадир ошиқиб турган. Қолган вақт мудом Нуралининг олдида. «Кейин, кейин. Бошқа пайт. Айтдим-ку, ўзим кирамён, деб».

«Дунёмидинг, рўёмидинг — билмадим...»

Пакана бу ёқда, кўзи тўрт, зор-интизор. Дастгоҳ тайёр, бўёқлар шай. «Аммо сен ўзгалар базми ила банд»**. Азалдан шеърү ғазалга ҳавасманд кўнгил, нақд шайдойи шоирга айланган, бир пайтлар атай ёдланмиш севимли мисралар тилдан тушмайди. Узун йўлакка чиқиб, Нуралининг эшигига пойлоқчилик қиларкан, мушталари аламдан тугилиб кетади.

«Эҳ, ўзгалар нечун сени севадир?»

Севма сен, одаммас улар, ахир!

Уларда дард-изтироб на қилар,

Улар фақат кишнаб юрган йилқилар!»

Ошиқ яна бир машғулот орттирди. Бир варақ қоғозни найча қилиб олиб, кунни дароз пуфлайди. Сибизға. Бўзлар, нола айлар. Кўрган одам савдойи, дейди. Кўрган одам ақлдан озган Мажнун, дейди. Кўрган одам... кулади, масхара этади. Сибизға эса бўзлайди, бўзлайди, нолавор...

Туну кун хаёли ўшанда.

«Эсладимми, лабим тамшанур.

*Сен бир қувонч, шиддатидан кўзим ёшланур»***.*

Тунлари тўшақда хаёлан у билан суҳбатлар қуради, хаёлан уни қучади, ўпади.

Хуллас, ўн саккиз яшар шайдо йигитчани кўрмадим деманг!

Бироқ, у ҳақдини яхши билади. Биладики, ўзи тепакал, пакана, пачоқ бир бедаво, тағин — бола-чақали ўрта яшар одам. У эса — айна чаппор урган гулдай жувон. Бамисоли ер билан осмон!

Унда бу нотавон кўнгил нимани истайди, муддаоси не?

Мана шу кал, шўрпешона бошни ул санамнинг кўксига бир борагина босса, санам унинг ана шу толесиз бошини силаса, шунда у тенгсиз бу бахтдан йиғлаб юборсаю санам ҳам қўшилиб йиғласа...

Шугина, бошқаси керак эмас. Бошқа армони қолмасди дунёда.

«Дунё сўрармидим сендан, азизим...»****

«Аммо сен ўзгалар базми ила банд».

* Йўлдош Эшбек сатри.

** Алишер- Навоий сатри.

*** Ўлжас Сулаймондан.

**** Асқад Мухтордан.

13

Пакана Нуралига очикдан-очик ҳасад қилади. Нурали театрда камдан-кам кўринади. Ярим ҳиссами, чорак ҳиссами ишлайди, аммо тайин нима иш билан шуғулланишини ҳеч ким айтиб беролмайди. Бир-икки марта «моховга ошно» мақомида афиша ёзганини билади Пакана. Аллақайда даллоллик ширкатида ишлармиш. Тўликжон билан зўр. Тўликжон унга индамайди, қайтага, хосхонасини бўшатиб берган. Ўзи бош режиссёрнинг хонасида «яшайди». Бас дегунча истеъдодли, тиришқоқ бу икки санъат фидойиси, соқоллари ўсган, кўзлари киртайган, қотган нон кавшаганча эртаю кеч, баъзан тонгга қадар бедор ўтириб доҳиёна асар саҳналаштириш режасини тузади, шундан чарчамайди.

Тўликжон ҳам қизиқ. Номи — бош рассом. Аммо қўли остидагилар билан мутлақо иши йўқ: ким бор, ким йитган, қаерда, нима иш қиляпти. Унга шу режадош ошнаси — бош режиссёр бўлса бас, Нуралими, Эралими, билган номаъқулчилигини қилиб юраверсин! Ўзи бетайин бўлгандан кейин... Ўзбекча гап сўрасангиз, ўрисча жавоб беради. Асл исми Толибжон, ҳамма Толик, Толя деб атарди, театрнинг олдин қишлоқ хўжалик вазирлигида ишлаган, кал бошига чувт дўппи киядиган кекса директори «Тўликжон» деганига шундай бўлиб кетган.

Нуралига келсак, у ана шу ҳур, бемалолчилик муҳитида яйраб юрибди. Пакана унга ҳасад қилиши бежиз эмас. Нурали — новча, Пакана унинг, кўкрагидан ҳам келмайди. Лекин роса қоқичак, айниқса, найновсираб, алвасти сочларини у ёқдан-бу ёққа жилпанглатиб юришини кўрсангиз! Чакакбашара, сийрак соқол-мўйлов сал одам қилиб туради-да. Кўзлар денг писка билан эрмакка тилиб қўйилгандек. Эгнида — ўзини билган одам ор қиладиган антиқа кийим-бош. Ҳаммадан ажралиб турай дейди-да касофат. Аммо ўзи ўлгудек хушмуомала, киришимли. Оврупоча таълим-тарбия кўрган падарқусур замона зайли билан зўр бериб «ўзбек бўлмоқ»қа тиришади, мулозаматни кулгили даражада ошириб юборади. Саломлашганда теракдек қоматини икки букиб, маврид-бемаврид «катта раҳмат» дея кафтини кўксига қўйиб туради. Гўё раҳматнинг майдаси ҳам бўладигандек, гўё уни худо номидан ўзи ўлчаб-миеқоллаб берадигандек. Раҳмат дегин-қўй, баччағар, худонинг раҳматиға сен даллолмисан?

Бу касофатнинг тагин не бир хислати борки, қиз-жувон унга пашшадек ёпишгани ёпишган! Бозори чаққон. Хушрўй-хушрўй не-не нозанинлар сўроқлаб келади, эшиги тагида соатлаб кутиб ўтиради. Пакана ул-бул юмуш билан у хонага бош суқиб кўрган. Олдиларида бир финжон-бир финжон қаҳва, тамакини бурқситиб, бўлмағур гаплардан валақлашиб ўтиришади.

Мана шундай улфатпараст, ширинсухан йигит, айтишларича, уйдан безор, хотину рўзғорига қарамас эмиш. Эгизагини олдиға солиб, хотини унинг устидан бир-икки марта директорға арз ҳам қилиб келди. Ёшгина, кўхликкина жувон тап тортмай нима дермиш: «Икки ойдан бери ётмайди бу номард!» Начора, унга ҳам алам қилади-да. Ажрашайин деса — «номард»нинг отаси судми, прокурорми, ишқилиб, роса пулдор, давлатманд; ҳашаматли ҳовли-жойни ташлаб, икки гўдаги билан қаёққа борсин? Индамай юраверай деса — «бу номард икки ойдан бери ётмайди», бундан кейин ҳам ётмаслиги мумкин... «Ёшликда бўлади-да, келин, хафа бўлманг, қулоғини чўзиб қўямиз», дея юпатиб чиқариб юборибди вақтида ўзиям шўхроқ ўтган директор. Айбдор эса ерга қараб мунофиқона тиржайиб турганмиш: «Ну всё, Дилия, кончай, пожалуйста, я же тебя люблю!»

Нуралининг аллақайда ўзи штаб-квартира деб атайдиган хилватхонаси ҳам бор эмиш. У ерда нима савдо — Паканага қоронғи.

Сафсар келиб-келиб ана шу каззобнинг бозорига мижоз бўлгани аламли бедодлик эмасми?!
«Алданма, ёр, алдамчшар макрига,
Малак бўлма бевафо ишқ шаҳрига,
Улар сени бир босса бас бағрига —
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек» *.

* Муҳаммад Юсуфдан.

14

Ногаҳоний муҳаббат Пакананинг ташқи қиёфасини ҳам ўзгартириб юборди. Илгарилари аксарият мўйқалам соҳибларига хос бир палапартишлик билан дуч келган матоҳни эғнига илиб, иягига ҳафталаб устара теккизмайдиган одам — сипо, озода кийинадиган, соқол-мўйловини баҳафсала кузаб-бежаб юрадитан бўлиб қолди. Иттифоқо, ҳеч гапдан беҳабар ғафлат бандаси Арофат ўша кунлари одатдагидек меҳрибонлик билан «Здоровье» журналинини кўтариб келди. Унда бўй ўстиришга оид ибратли тавсиялар чиққан экан. Айни муддао. Шу маслаҳатларга амал қилган биттасининг бўйи бир қаричча узайганмиш. Бир қарич тугул, бир энли узайса ҳам қанийди!

Пакана маслаҳатлардан энг ўнғай ва серзавқроғини танлади — турник. Ҳар эрта кўни-кўшнига томошаю овора бўлиб ҳовлидаги болалар ўйингоҳига чиқиб юриш шарт эмас. Осонгина йўли бор экан. Пакана уйларининг орқасидаги эски-тускилар уюлиб ётадиган ташландиқдан кўпинча ишхоналарда бўладиган узун, ялтироқ кийим илгични топиб келди. Даҳлизининг энига мослаб икки ёнидаги ортиғини кесиб ташлади. Бир учидан чиққан қўш қулоқли қалпоқчасини устахонада тенг икки бўлакка бўлдириб, йўғон михга яраша катталиқда тешдириб олди. Қулоқчаларни шифтдан пастроққа, бўйига мўлжаллаган ҳолда, икки деворга маҳкамлаб михлади. Ялтироқ мисрангни ана шу қулоқчаларга кийгизган эди, тап-тайёр турник бўлди-қолди, уйга кирган-чиққанда бемалол осилиб, машқ қилиб кетавериш мумкин. Меҳмон-излом келганда эса, ҳалиги темирни қулоқчаларидан чиқариб, бир чеккага олиб қўйса ҳам бўлади. Ана сизга хонаки машқу муолажа!

Пакана энди ҳар эрта қўлбола турнигига тортанакдек осилиб машқ қилар, ундан кейин одатдаги бадан-тарбияга ўтар эди. Вужудида аллақандай қувват пайдо бўлиб, ўзини хийла тетик сезиб қолди. Энди илгариги ланжлик, лоқайдлик йўқ, юриш-туришлари дадил, гап-сўзлари ҳам қатъият касб этган, ғайрат жўш уриб турибди, кўнгилда эса — муҳаббат алангаси! Майли-да, бўй ўсмаса ҳам кўнгил ўсгани кифоя.

15

Ниҳоят, у келди. «Ваъдага вафодор малак»*. Пакана бўлажак асарини ўзича олдиндан «Умид» дея номлаб, мўйқаламни қўлга олди.

Сафсар уч мартами-тўрт марта бир соатдан ўтириб кетди. Қизчасини боғчадан олиши керак, кечқурун — спектакль. У кетгач, атиги бир соатлик меҳнатдан Пакана паккага етган улоқчи отдек сулайиб, ҳозиргина Сафсар ўтирган қулай сават курсига чўзилиб қоларди. Ҳар гал шундай. Ҳаяжону зўриқишдан. Бўлмаса, ортиқ гап йўқ, сўз йўқ. Иш, иш.

Ғалати қиз экан. Дастлабки таассуротга ҳар доим ҳам ишониб бўлмаслиги рост. Ҳалигина очилиб-сочилиб бир нимани гапириб ўтиради-ю, лаҳза ўтмай дафъатан сипо тортиб, ўйчан, маъюс, бир нуктага тикилиб қолади. Пакана эса нима деб гап қўшишга ҳайрон. Ўртада девор

бор — ҳаяжон девори, бегоналик девори, номуносиблик девори... Умид, умид! Сабр, сабр!

Атиги бир неча соатлик бу ишчан, аммо соқов мулоқотлардан Пакана Сафсар ҳақида билганидан ортиқ деяри ҳеч нарса билолмади. Гап сўрасангиз, таажжубланган каби афтингизга тикилиб қолади, жавоб бермайди. Кейин, бир маҳал ўзига келгандек, бир оғизгина «ҳа» ё «йўқ» дея негадир аянчли кулимсираб қўяди.

Лекин бу қизга бежиз кўнгил қўймаганини Пакана иш жараёнида, унга, унинг юз ифодаларига тикилиб-тикилиб қараган чоғларида англади. Бир пайт фавқулодда мўйқалам қўлидан тушиб кетди: Сафсар ғоз бўйинини шундай бир улугворона мақомда бурдики!..

У ҳар гал ҳар хил қиёфа, ҳар хил кайфиятда, гўё бошқа одамга айланиб кириб келар, олдингига ўхшамас эди. «Янги ва янги, хилма-хил». Барчаси бирдек ёқар Паканага, лекин — ажабо! — соатлаб термилган, сиймосини тасвирга кўчираётган суюкли одамнинг қиёфасини ўзи кетгач, ҳарчанд эслай, кўз олдимга келтирай деса, уддасидан чиқолмас эди. Бошқа таниш-билишлари, ҳатто кўча-кўйда бир-икки мартагина учратганларининг ҳам афт-ангори ёдида, уники — йўқ. Кўзники бошқа, кўнгилники бошқа экан-да. Айниқса, теран ўрнашган бўлса у!

Яна Паканани ажаблантирган ҳам ранжитган жойи шу бўлдики, Сафсар чизилаётган суратини кўрмоққа бирор дафъа рағбат билдирмади. Сабабини шундай изоҳларди: «Кейин қизиги қолмайди. Санъат сирли бўлиши керак». Воқеан, бир гал гап орасида: «Қушга ўхшатиб чизинг, учи-иб кетаётган қушга ўхшатиб», дегани рост.

Умуман олганда, портрет осон битди, деса бўлади. Чунки бу сиймо, бу юз ифодалари Паканага ёшлигидан таниш, зехнига муҳрланиб қолган, йиллар давомида сайқалланиб, нурланиб келган, сираси, сал бошқачароқ ҳолатда уни аввал ҳам бир марта «Орзу»сида акс эттирган эди. Энди у «Умид» бўлиб, баркамол қиёфада жонланмоғи керак.

Иш пайти Қамаранинг икки карра келиб остонада лаб қимтиб тургани! Нияти аён бу ёсуманнинг!

— Кўриб турибсиз-ку, Қамара опа, бандман, — деди Пакана ўзи ҳам кутмаган совуққонлик, айни чоқда бир зарда-қатъият билан. — Бизга халақит беряпсиз.

Кейин ўйлаб ўзи ҳайратда қолди. Шу бир оғизгина гап билан, ортиқча изоҳга ўрин қолдирмай, ҳар икки томонга муносабатини билдириб улгурган экан. Бандман! Халақит беряпсиз. Бизга! Сафсар иккаламизга.

Кўриб турибсиз — биз бандмиз. Сиз эса атай халақит беряпсиз, Қамара опа! Қамара опа бизга, иккаламизга халақит бермоқчи, Сафсар, кўриб турибсиз!

Асар асосан пардоздан чиқиб, якунловчи чизгилари қолгақда режа бузилди — театр жамоаси Наманган сафарига отланди. Одатдагидек, Сафсарнинг фурсат топиши қийин бўлди.

Шу тариқа, портрет ҳам, бошқаси ҳам чала қолди. Насиб этмаган экан.

Театр жамоаси жўнаб кетгач, ҳаммаёқ ҳувиллаб, Пакана шўрлик девона бўлай деди. Бирор баҳона билан уларга қўшилиб олмаганига афсусланди. Кун санаб ўтказди «Дунёмидинг, рўёмидинг...»

* Усмон Носир сатри.

Орзуманд Паканамиз саргузаштларининг бу ёғи тасодифлардан иборат. Уларни Пакана ҳам, биз ҳам тўқиб чиқарганимиз йўқ. Зинҳор-базинҳор. Аслида тасодифларга тулиқ ҳаётнинг табиий изми бу. Фақат, сизу бизга шундай туюлади.

Театр сафардан қайтган куннинг эртасига Пакана таътилга чиқиб, оёқоғриғини даволатгани, қаранги, худди ўша томонга — Чортоққа кетадиган бўлиб қолди. Таътили — маълум жадвал бўйича, йўлланмаси ҳам айнан ўша кундан эди. Нимаси тасодиф бунинг?

Пакана охириги иш куни кечқурун уйга қайтаётиб автобусда кимни учратди денг?

Қўлида оғиргина тугунча, Сафсар Юнусободда яшайдиган опасиникига йўл олган экан.

Бунинг нимаси тасодиф?

Пакана дарҳол унинг қўлидан юкини олиб, сафар қандай утганини, таассуротларини суриштира кетди.

Сафсар негадир ғамгин, хомуш эди. Беҳафсала жавоб килди. Пакана буни чарчоққа йўйди. Сафар ҳаётини ким билмайди? Айниқса — бетартиб, тўполон жамоавий сафарларни!

Сухбатлари унчалик қовушмаган бўлса-да, автобусдан тушилгач, Пакана Сафсарни манзилига қадар кузатиб кўйди. Хайрлашаётиб, портретни таътилидан кейин, худо хоҳласа, кузда битиражакларини айтди.

— Шунинг битмагани яхши, — деб қолди Сафсар кутилмаган бир шўхчанлик билан. — Битган нарсаларни хуш кўрмайман. Битди дегани — тугади, тамом бўлди, дегани-да, шунақамасми? Чаласи яхши, доим шуни ўйлаб юрасиз. Иннайкейин, бу дунёда мукамал нима бор ўзи? Ҳа, дарвоқе, Намангандан мен сизга совға олиб келганман. Нималигини кўрганда биласиз. Ўйланг, қани, топа олармикансиз?

Пакананинг кўнглида чироқ эмас, машъала ёнди. Мурғак бир умид билан қизга тикила-тикила хайрлашди у.

Кечаси худди ана шу манзара — кузатув манзарасини Пакана қайтиб тушида кўрди. Иккаласи ғира-шира оқшом палласи сокин, икки чети дарахтзор хиёбон бўйлаб кетиб боришаётир. Иккаласи-да шод, бахтиёр. Пакана қараса — бўйи унчалик паст ҳам эмас, Сафсардан тикроқ, ҳатто баланд эмиш! Туйқус ёнларидан ўсмир ёшидаги бир йигит-қиз қўлтиқлашиб ўтибди. Қизи эмиш! Беш-олти қадам узоқлашгач, у орқасига қараб қичқирармиш: «Барибир паканасиз-ку, адажон, ўзингиздан баланди билан юриб нима қиласиз? Қаранг, унингизнинг оёғи чўлоқ экан, чўлоқ экан, чўлоқ... Сиз — пакана, пакана, пакана...»

Пакана ўғониб кетиб, таажжубга тушди. Кеча, ростдан ҳам, ёнларидан новча-новча бир йигит-қиз ўтган эди., Лекин қўлтиқлашиб эмас! Шунчаки, гаплашиб. Кимдир орқадан нимадир дегандек ҳам бўлди. Эҳтимол, ўзаро бир гапдир, Пакананинг қўлоғига киргани йўқ, у том битган эди ўша тобда. Аммо, қизнинг эгнидаги қора лас майка ёдида, негадир шунга эътибор қилибди. Майкада зардўзлик билан ишланган аждар тасвири бор эди...

Арофатнинг айтишича, тўнғич қизлари Ҳилола бир синфдоши билан дўст тутинганмиш. Шунчаки. Тағин ҳар бало хаёлингизга келмасин. Баланд бўйли, бақувват бола экан. Ҳув, телевизорга чиқиб деҳқонларга пахта экишни ўргатадиган бароққош киши бор-ку, ўшанинг ўғли. Ҳилолани ҳар хил хира безорилардан ҳимоя қилиб, қўриқлаб юрар эмиш. Қўриқчимизнинг ҳимматига балли-ю, лекин... ҳар ҳолда қиз бола, ҳали ёш... Пакананинг ғаши келганини кўриб, Арофат койиб берди: гўдак-ку, ниманинг фаҳмига борарди, аммо эси жойида, ўзига пишиқ-пухта, ташвиш қилманг.

Ҳилоланинг эгнида ҳам қандайдир қора майка кўргандек эди. Ҳозир ўшанақаси расм. Лекин, кўкрагида аждари бормиди, йўқмиди — буниси номаълум. Чақириб сўрай деса... ота-боланинг сири бирдан фош бўлади. Уят эмасми? Шармандалик эмасми? Ҳилола ўлақолса бўйнига олмайди: қара-анг, ҳаммаёқ аждарли майкага тўлиб кетган-у!

Бироқ, отасини танигани аниқ: бунақа пакана бу атрофда йўқ. Ия, ўзи-чи, ўзлари?

Йўқ, бу сир — сирлигича қолажак, уни очмоққа ҳеч қайси томон журъат қилмайди. Тиззаси йиртиқ иштрни йўққа кулгандек бўладй.

Ўйлай-ўйлай Пакана шундай фикрга келди: кўрган бўлса кўргандир. Пакана, боз устига кўримсизгина дадасинингки шундоқ соҳибжамол билан юрганини кўриб қайтага фахрлансин! Барибир келиб ойисига айтолмайди, ўғрини қароқчи уриб турган бўлса! Айтганида нима, кўрқаманми? Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич. Бировдан тилқисиклик, хижолатли жойим йўқ. Ҳамма эшитсин, билсин: мен шу аёлни яхши кўриб қолганман, Сафсарни яхши кўраман, яхши кўраман, жонимдан ортиқ!..

«Дунёмидинг, рўёмидинг — билмадим».

Пакана Чортоқдан қайтиб, ишга чиққан куни мудҳиш шумхабарга дуч келди.

Театр долонидаги мрамар устуннинг пойида ўзи яратган «Умид» турар эди! Четлари қора хошияга олинган, берироғида бир даста гул...

Телбаланиб қолган Пакана бу ерда қанча турганини ўзи билмайди. Бир маҳал кимдир елкасидан қучиб олиб кетди. Тўликжон экан.

— Да-а, старик, печально, конечно. Такая красавица, жаль!

Кейин қаердадир ўтиришди, чойми, қаҳвами ичишди.

Тўликжоннинг айтишича... тил бормайди... Сафсар ўзини осиб қўйганмиш! Бу фожиага ўн кунлардан ошибди. Бир эрта ҳадеганда хонасидан чиқавермабди. Эшикни очиб қарасалар... шу аҳвол. Ақл бовар қилмайди. Шундай ёш, гўзал қиз! Ҳар хил тахмину тусмол. Бировлар «Душмани дори ичирган», дермиш. Чамаси, уйидагилар ниманидир яширишаётир. Асабдан бўлган, асаби чатоқ эди ўзи, деган гаплар ҳам бор. Бир кунми-икки кун олдин собиқ эри келиб кетган экан. Нега келган, ораларида нима гап кечган — ҳеч ким билмайди. Бировнинг ҳаёти бошқа биров тубини кўролмайдиган қудуқда. Аттанг, биз уни бош режиссёр билан Офелияга мўлжаллаб турувдиг-а! Жуда истеъдодли қиз эди. Таъсирчан, худди Тургеневнинг қаҳрамонларига ўхшарди. Начора — ҳаёт! Қўлингдан нима келарди? Ҳа, дарвоқе, ўша куни дурустроқ сурати топила қолмади, сенинг ишингни олиб осиб қўйдик, хафа бўлмассан. Хошияни ўзим ясадим, керак бўлса, секин қийиб ташлаш мумкин. Ўлик фотодан кўра буниси яхшироқ-да. Жонли, оригинал... («Жонли, оригинал...») Бу ёқда мана шунақа гаплар, оғайни. Хўш, ўзингдан гапир, дам олиш қандай ўтди?..

«Дунёмидинг, рўёмидинг — билмадим».

Пакана бир ойлар ўзига келолмай юрди. Сира ишонолмас, кўниколмас эди бу ҳодисага. Гўё бу гаплар уйдирма, гўё Сафсар тирик, қаёқлардадир юрибди, йўқ, ўшанда эри, нашаванд, аблаҳ эри билан ярашиб, Самарқандга кетиб қолган... Лекин — тирик! Кошки шундай бўлса эди!

Портретни олиб келиб, Тўликжон айтгандек, хошиясини қирқиб ташлади-да, хонасига осиб қўйди. Асар энди қандайдир мукамал бир маъно касб этгандек эди. Ногаҳон узилган умр уни гўё якунлади. Ўзи яратган бу хотира илоҳага Пакана соатлаб термилиб ўтиради. Унинг дунёга келиш тарихини, Сафсар билан бирга кечган онларини қайта-қайта кўз олдидан ўтказди. Кейин марҳуманинг ўзи кўрмаган, билмаган сўнгги кунларини, сўнгги лаҳзаларини хаёлан тасаввур қилади, қўрқиб кетади, мислсиз изтиробларга тушади. «Ўша дамларда бирор марта бўлсин хаёлидан ўтганмиканман?» деган бесамар умидларга боради. Сўнг бу худбин ўйдан қочиб, ўзидан ижирғаниб кетади. Яна бошдан бошлайди...

Ўтириб-ўтириб, кўзларига дувиллаб ёш келади. «Учиб кетаётган қушга ўхшатиб чизинг», деган эди. Учиб кетди... Сенга нима бўлди, Сафсар — кеч топиб, эрта йўқотган малагим? Мен сендан ҳеч нарса тиламас эдим-ку, Сафсар, бунга ҳаддим ҳам, ҳаққим ҳам йўқ эди. Бирдан бир тилагим: мана шу ёруғ дунёда омон юргин эди, яшагин эди, Сафсар, шунинг ўзи менга дунё эди. Нега бундай бўлди? Кимга ёмонлик қилган, кимга оғиринг тушган эдики, бу дунёга сиғмадинг, Сафсар? Биламан, биз номуносиб эдик; начора, худодан ўзгасига нолам йўқ. Лекин кўнглим сенга муносиб эди, мойил эди, Сафсар, сеники эди у, асли сенга аталган эди. «Сизга Намангандан совға олиб келдим», деганларинг, аммо нималигини айтмаганларинг! Нима эди у, Сафсар? Рос-дан, менга аталганмиди? Энди ҳеч қачон билолмасман буни, Сафсар. Энди сендан менга ёдгор бўлиб армонга айланган мана шу «Умид» қолади. Яхши кунларингга атаб чизганим, эвоҳки, қора кунингга яради, Сафсар. Сен бу оламда мендек бир нотавон борлигини, у сенга талпиниб яшаганини кўриб, билиб кўз юмдинг, Сафсар. Қорачўфингда кетдим, Сафсар, шунинг ўзи мен учун ҳар недан ортиқ. Сен эса менинг кўнглимда қолажаксан, Сафсар. Ҳамма

унутар, ёр-дўстларинг унутар, ота-онанг унутар, қизинг унутар, аммо менинг кўкрагимда қоласан. Кетсам, кўнглимда кетасан, Сафсарим! «Дунёмидинг, рўёмидинг — билмадим», билмай ўтарман, фариштам! Ле-кин шуниси ҳақиқатки, «сен бор эдинг — мен бор эдим дунёда».

Орадан бирор ойлар ўтиб-ўтмай, Пакана учун яна бир хунук ҳодиса рўй берди. «Умид» йўқолди! Уни қайси бир худобехабар кириб хонадан кўтариб кетибди. Пакана зор қақшаб тўрт тарафга югурди, сўрамаган одами қолмади. Йўқ, йўқ.

Кимга керак бўлди у, нима учун? Жумбоқ. Бу оламда жумбоқ кўп, шулардан бири.

Сафсардан қолган ёлғиз ёдгор — «Умид»дан ажралгач, Пакана расмонасига касал бўлди. Шифохонада ётиб ҳам чиқди. Кейин-кейин «Умид»ни хаёлан қайта тикламоқ ташвишига тушди.

Вақт ўтиши билан ҳар қандай яра битар экан. Битди. Табиатан ўксик яралган кўнгилга яна бир доғ қўшилди, ўрнашди.

Дунёмидинг, рўёмидинг...

18

Кунлардан бир кун Пакана мойбўёқ истаб бадий ашёлар дўконига борганида, сира ёлғиз юролмайдиган Нуралини, одатдагидек иккита ўрис қиз билан кўриб қолади. Қизлар «Потом, потом, как-нибудь» дея хайрлашиб кетишгач, ёлғизликдан кўрқиб Нурали уни «штаб-квартира»сига таклиф қилади. У қадар ош-қатиқ бўлмасалар-да, қизиқувчанлик важдан, қолаверса, пинҳона бир илинж билан (йигит киши ўйламоққа ҳам уялади-ю... ҳар ҳолда, Сафсарга алоқаси бор эди, раҳматлини кўрган, билган...) таклифга кўнган Пакана кўчанинг нарёғига ўтиб, озиқ-овқат дўконидан харажат қилиб келади. Тўққизинчи қаватда жойлашган устахонасининг эшигига етганда Нурали: «Момент! Мен сал тартибга солай», дейди маънодор қилиб. Пакана у ерга киргач, ҳайрон қолади: тартибга соладиган нарсанинг ўзи йўғ-у бунда! Ўртада оёқлари чалмашган пастак думалоқ стол, икки тарафида иккита сават курси, бурчакда қуп-қуруқ баҳайбат дастгоҳ, тўшаги қўқиб ётган кенгиш каравот. Бўлди, шу. Деворларда яккам-дуккам расмлар, кўпчилиги Паканага таниш — бошқа рассомларники, ана, имзолари ҳам кўриниб турибди.

Рассомнинг устахонаси эмас, қуруқвойнинг хилватхонаси-ку!

— Ўзингнинг ишларинг қани? — деб сўрайди бу ерда иш-ижод шарпасини сезмаган Пакана.

— Ўзимнинг ижодимни уйга элтиб ташлаганман, — дейди Нурали бепарво илжайиб. — Бир қисми кўргазмада. Москвада. Кўрмаганмисан?

Московга бориб унинг ижод намуналарини кўриб келмаган, умуман, пичоққа илинадиган бирон асарини билмайдиган Пакананинг ҳайратдан боши қотади: шаҳарнинг қоқ марказидан бунақа жойни ким берди бунга? Нима каромати эвазига?

— Ижод-пижодни қўйиб тур, ке, аввал отайлик биттадан, — дейди Нурали бесабрлик билан шишанинг оғзини очиб.

Ичадилар.

— Қоидасини биласан-а: биринчи қадаҳ билан иккинчисининг ораси беш минутдан ошмаслиги керак!

Яна. Такрор ва такрор. Ундан-бундан валақлашиб шишани соб қиладилар. Тағин ичгилари келади. Жўмардлиги тутиб Пакана чўнтагидаги бор пулини чиқариб беради.

— Айн момент! — дейди Нурали пинжагини кифтига илиб. — Қоровул. Сени танймайди. Беш секундда тушиб-чиқаман. Ана, каравотга чўзилиб, дамингни олиб тур.

Пакана каравот томон ўтаётиб дастгоҳнинг орқасига тушиб ётган аллақандай картонга кўзи тушади. Нафис хитойи картон таниш кўринади. Юраги беусул дукиллаганча аста унга қўл узатади.

Ўша!.. Бир четидаги, жуссасига монанд ихчамгина, саранжом имзонинг устидан қалин, қўпол қилиб «Нур» деб ёзилган. «Кўргазма»сига олиб келган экан-да... Аблаҳ!

Пакана портретни авайлабгина аввалги жойига қўйгач, титроғини босиш учун келиб столдаги чойнакни жўмрагидан кўтаради, сипқаради. Сўнгра ўзини осойишта тутишга уриниб, ҳеч нима бўлмагандек, сават курсига ястаниб олади.

Нурали шиша қўлтиқлаб келади. Бир қўлдан ичадилар.

—Сафсар бу ерга келганмиди? — деб сўрайди шерга айланган Пакана тўсатдан, Нуралига тик қараб.

—Сафсар? Қанақа Сафсар? — дейди Нурали бир хил бўлиб, бўзаргандек. — Ҳа-а, ановими, Сафсар Нишонова? Жинни. Ўзини ўзи қилди у. Ҳар куни дори сўраб кирарди олдимга. Укам дорихонада ишлайди-да. Юраги сиқилиб, ҳаприқиб кетаверармиш. Ҳаётда алданганмиш-да, эри хиёнат қилганмиш. Подумаешь! Бу дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмасмиш. Жинни. Ўзига ўзи қилди. Леқин-чи, яхши нарса эди. Шунча уриндим, келмади. Ўлгудек тажанг, асабий қиз эди. Опкелганимда-ку... Ҳайф кетди, эсиз!..

—Ўлган одам ҳақидаги гапингми бу? — дейди шусиз ҳам тарс ёрилай деб ўтирган Пакана титраб.

—Қўйсанг-чи! «Ўлган одам» эмиш. Ҳа, нима қипти? А, олдин тирик эди-ку? Зўр эди аммо!

—Нурали! Ўйлаб гапиряпсанми ўзи? Сен... сенга нима бўлган? Ё мастмисан?

—Ҳеч нима. Шунчаки, ўзим.

Қадди шамшод, башараси маъносиз-ифодасиз, қўлларини кўкрагига чалиштирганча совуққина кулимсираб турибди. Шунчаки, ўзи. Ўзи, шунчаки. Дод!

Пакана шу тобда унинг кимлиги — моҳиятини аниқ англаб етгандек бўлади. Бу энағар, қўлида ўтмас пичоқ, беғам, яйраб яшайди. Бирор нарсанинг оқибатини ўйлаб ўзини койитмайди. Пичоғини бўғзингизга қадаб, «ўзим, шўнчаки» деб тураверади. Сурбет, ёвуз. Тавба, қизларга шунақаси ёқар экан-да? Ўзига ўхшаган ёки текин саргузашт қидириб юрган нодонларга ёқса керак-да. Ҳа, булар бошқа, бошқа тур одамлар.

Пакананинг дами ичига тушиб кетган. Сўз йўқ. Нима десин? Дод!

—Номард экансан, Нурали! Маразнинг ўзгинаси!

—Ни-има? — Нурали кутилмаганда уни бир қўллаб гирибонидан олади-да, кучуквачча мисол питирлатиб эшигидан ташқарига отиб юборади. — Жўна! Калта! Лиллипут! Пакана бориб тушган бурчагида ётиб эшикни тепа бошлайди. Эшик очилади.

—Сафсарни бер!

—Нима деяпти бу? Жинни бўлдингми?

—Портретни опчиқ!

—Қанақа портрет?

—Опчиқ, деяпман! Бўлмаса!..

Бир зумдан сўнг қия очиқ эшик оша тўрт бўлак қилиб йиртилган алланима оёғи остига келиб тушади. Пакана фиғон аралаш уни териб қўлтиғига қистиради-да, зина томон юради...

Кўчага чиққач, ёнида таксига пули йўқлиги эсига тушади. Шитоб билан елиб бораётган, негадир «шоҳ»сиз троллейбусга қўл кўтаради. Троллейбус тўхтади. Чиқса, ичида битта ҳам йўловчи йўқ. Вақт алламаҳал бўлиб қолибди-да.

—Жон оғайни, мени Юнусободга элтиб ташла, — деб ялинади Пакана ҳайдовчи йигитга.

—Троллейбус паркка боради, — дейди дароз бўлиб ўтирган ҳайдовчи йўлдан кўз узмай.

Дафъатан Пакананинг кўзи пешойнага ёпиштириб қўйилган суратга тушади. Вожаб, «Орзу»ми? Ўзи беҳабар, яна чиқибди-да бу? Қайси барака топкурнинг ғаладонидан топила қолди?

— Оғайни, тўхтат аравангни.

— Ҳа, келдингми Юнусободга? Мана, туш.

Пакана чироқни ёқдириб, расмни синчиклаб кўздан кечиради. Аллақайси тадбиркор ширкат

босиб чиқарибди, тагида илон йилининг тақвими. Муаллиф ёнидан фломастер олади-да, расминг қуйи қисмидаги «Орзу» сўзини ўчириб, «Армон» деб ёза бошлайди.

— Ўв-ўв, нима қиялсан? Туш ҳозироқ машинадан, пиёниста!

— Нима қилсам — ўзимнинг ишим, ўзим ишлаган расм!

— Нима деб валдиряпти бу? Туш деяпман, ҳўв пакана!

— Ишонмайсанми? — Пакана қўлтиғидаги тўрт бўлакни олиб, унинг олдига териб қўяди. — Қара, ўхшайдими?

— Ўхшайди, — дейди йигит бир унисига, бир бунисига тикилиб. — Севаранинг худди ўзи! Сен уни қаёқдан биласан?

— Отини нима дединг?

— Севара-да. Бирга ўқиганмиз мактабда. Институтда ўқимагансан деб, мени ташлаб, бир олифтага тегиб кетди. Яхши кўрардим. Ҳозир ҳам яхши кўраман. Ичмаймизми? Менда биттаси бор. Уйга опкетаётувдим. Эсга тушиб кетди-да...

— Яхши кўрган бўлсанг, ҳалиям эслаб юрган бўлсанг, тузук йигит экансан. Ке, олдин танишиб олайлик. Менинг отим Пакана.

— Паканалигингни кўриб турибман, исмингни айт.

— Исмин ана, ёзиб қўйилган. Минг айтганим билан барибир мени пакана деб ўйлайверасан... Троллейбус елиб бормоқда.

— Қаёққа кетяпмиз, ҳўв оғайни?

— Юнусободга, уйингга.

— Уйимга троллейбус бормайди, бу ёқда қолади.

— Боради. Бордирамиз! Бу — «йўлтанламас»!

19

«Шох»сиз троллейбус чиндан ҳам «шоҳ»сиз — йўл танламас экан. У аллақандай нотаниш даланинг қоқ ўртасига бориб тўхтайтиди.

Тун бўлишига қарамай, осмон ёруғ, зангори, паға булутлар сузиб юрибди. Куз бўлишига қарамай, атрофда баҳор нафаси — гул, чечаклар. Қаердадир жилдираб сув оқади, қаердалиги номаълум. Кузда шундай жилдирайди. Баҳорда шундай жилдирайди. Майсалар майин елпиндида аста шивирлашади, сирлашади, ҳасратлашади. Одамларга ўхшаб. Баҳорда шундай, баҳорда. Кузда эса куйиб-куйиб йиғлашади — хазон, хас-хашак... Айрилиқдан, ҳижрондан. Одамларга ўхшаб. Шоирлар шундай дейди, қайдам. Биз айтамикки, кўнгил кўнгилга мос тушса, айниқса, ҳамдард чиқиб қолса, бас, гулу хазон — барибир, изғирину шабада — барибир, кузу баҳор — барибир.

Ҳамроҳлар рўбарў, чимзорга ёнбошлайдилар.

«Уйга опкетилаётган» матоҳ ўртага қўйилади.

Шунчаки тасодифий улфат эмас булар. Ҳамдард. Сирдош. Минг йиллик қадрдон. Муштарак кўнгиллар. Бири пакана, бири — дароз. (Шунақалариниям ташлаб кетаркан-да кизлар!..)

— Муҳаббат йўқ экан дунёда...

— Бевафо кўп экан дунёда...

Ҳасратдошлар — тун, қоронғи, хилват, ҳеч ким кўрмайди, айб қилмайди — баралла овоз қўйиб увлашади. Ўртадаги сабил тугайди. Дард-ҳасрат ҳам адо бўлгандек саёз тортиб қоляпти. Боз устига — зах, нам баданга ура бошлаган.

Пакана эски дардидан сўз очади...

— Э, ғам ема, ўлимдан бошқасига чора бор! — дейди «минг йиллик қадрдони» беписандлик билан ва «ўлимдан бошқасининг чораси»ни таърифлай кетади, Пакана жон қулоғини бериб тинглайтиди. — Юр, сени ўша ерга олиб борай. Ҳали кўрасан, мenden ҳам новча бўлиб кетмасанг!..

—Энди бефойда, — дейди Пакана ишонар-ишо-мас, аммо кўнглида умид чироғи липиллаб.
— Энди Сафсар йўқ...

—Ке, бўй алмашамиз: сен новча бўласан, мен — пакана. Чунки менга энди бўйнинг аҳамияти йўқ. Новчаманми, паканами — барибир, Севара ташлаб кетган... Анови расми яна бир кўрай...

Пакана тўрт бўлак қоғозни қўйнидан олиб, чим устида ундан «Армон» ясайди.
Икковлон чўнкайиб ой ёруғида унга термилади.

—Бевафо Севара...

—Шўрлик Сафсар...

Бир дунё алам-ҳасратни далага ташлаб, «шоҳ»сиз троллейбус шаҳарга қайтади.

Ажабо, Пакана неча йил юриб бу шаҳри азимнинг қоқ ўртасида шундай аломат гўша борлигини билмас экан.

Ҳозирги Мустақиллик майдонига ёндош трамвай йўлини кўргансиз, ўшанинг бери ёғида, эски кутубхонадан юқориқ бир хилватда деворлари баланд-баланд шундай азамат кўрғон бино эдики, нақд подшолар давридан қолган оқсуяқлар чорбоғи дейсиз! Деворлари сиртдан кўҳна (дарҳақиқат, овлоқ бир жойида «Сталин кўчаси» деб ёзилган тунука лавҳа ҳам турибди), емирилган-нурагандек кўрингани билан, ҳовлининг ичига кириб оғзингиз очилиб қолади. Кеч куз бўлишига қарамай, ҳаммаёқ гулу гулзор, оройиш-осойишталик ҳукмрон. Нимасидир Пакана бир пайтлар муваққат истиқомат қилган умумҳовлини эслатувчи, аммо чандон обод, ўрдадек кенг бу қадим чорбоғ серсоя арғувону кўркам жўкаларга кўмилган.

Киёматли биродари Паканани чорбоғ адоғидаги дов-дарахт, гулу буталар панасида кўринмай турган нисбатан ғариброқ, сирлироқ пастқам бир кулба сари бошлайди.

Кулба соҳиби худди бўсағага курси қўйиб, уларни кутиб ўтирган экан. Пакананинг ғамхўр ҳомийсини кўриши биланоқ унинг пойи қадамига ўзини юзтубан ташлайди — қурбонинг бўлай дегани, ихлос-садоқатининг изҳори. Меҳмон кифтидан тутиб уни тикка қилади.

Бу — боши ойна мисол сип-силлиқ кал, икки чаккасидан яккам-дуккам соч толалари елкасига паришон осилиб турган — баайни ўртаси тешик пўстакчани эрмакка кийиб олган шўх болакайдек ушоққина, бағоят кўҳна қуриялик чол.

—Шанг шунг сан хува чу! — дея у иззатли меҳмонига илтифот изҳор этиб кафтларини киндиги устида чалиштирганча вазмин таъзим бажо келтиради ва негадир унинг бурнидан тортиб-тортиб кўяди. Суйганимикан?

—Чу хува сан шунг шанг! — дейди меҳмон унга жавобан, сўнг Паканани кўрсатиб алланималарни маъни-дод қилади.

Нима деб вайсаяпти бу? «Жонини олсанг олгин-у, бўйини чўзиб бер», деяптими ё — «Суяги ўзиники, гўшти сеники», деяптими? Тавба, унча-мунча одам боласи тушунолмайдиган чулчутча тилни бу оддий аравакаш қаёқдан билақолди?

Ажабтовур қария Паканага ўгирилиб, кафтларини кўксида жуфтлаштирганча негадир ҳиндийча салом қилади.

Тилмочнинг маълумот беришича, қурияча салом билан ҳиндийча саломни чалкаштирган бу зот Ким Ир Сеннинг холаваччаси эмиш, вақти-замонида Чан Кай-шини, Мао Цзедунни, ҳатто Сталинни даволаган. Ҳитлерни ҳам даволамоқчи бўлган-у, самолётга патта тополмаган. Қўли роса енгил, ўзини Ибн Синонинг шогирди санайди, Тиббий муолажаларини мутлақо тан олмайди, Далай-ламани жинидан баттар ёмон кўради, айна кунларда эса, Шарқда маълуму машҳур ҳаким Абу Бакр ар-Розийнинг тиббиётга оид қўлёмаларини дараклаб юрганмиш. Бирдан бир камчилиги, афсуски, она тилидан бошқа бирор тилни билмас экан.

Таржима асноси Ким Ир Сеннинг холаваччаси «шундоқ-шундоқ» дегандек ишшайганча бош ирғаб туради.

Ташрифнинг даромад қисми тугаб, ниҳоят, асосий ишга киришилади.

Шахсан ўртоқ Сталинни даволаган (қизиқ, нимасини даволаган экан — қоқшол кўлиними,

бужур бетиними, пакана бўйиними ё... бедаво миясиними?) табиби калоннинг амри (таржима орқали, албатта) билан бемор, яъни Пакана шу ернинг ўзида, йўлакда қип-яланғоч бўлиб ечинади.

Ибн Синонинг шогирди беморни нимқоронғи бир хонага бошлаб киради.

Пакана хона тўридаги антиқа мосламали баланд ялтироқ каравотга зўрға тирмашиб чиқади-да, чалқанчасига чўзилиб ётади. Нуқул дохийларни даволаган (Чингизхону Наполеондан бўлак — афсуски, булар олдин ўтган-да, йўқса, уларни-да даволаган бўларди!) зот унинг оёқларини жуфтлаб қайиш билан чандиб тортадию каравот адоғидаги нимагадир маҳкам қистириб қўяди. Сўнг худди ўшандай чайир, бақувват камарни кураклари оша қўлтиғи остидан ўтказиб, бош томонидаги алланимага ўрнаштиради. Ана шундан кейин бошланади ҳамма савдои қиёмат!

Ҳитлерни даволамоққа собиқ даъвогар оёғи остига таккурси қўйиб олади-да, бош тарафда туриб, қудуқдан сув тортгич ускунага десакмикан ё гўштмайдалагичнинг дастагига десакмикан, хуллас, шунга ўхшаш бир ҳалложисимон пишангнинг чамбарагини секин-аста айлантира бошлайди. Ҳар айлантирганда билган бирдан бир ўзбекчасини такрорлайди: «Якши, йок?» — «Оғрияптими, йўқми?» деганлари бу кишимнинг.

Аввалига қоматингиз тортилади, чўзилади, таранглашади, сўнг нимадир қисир-қисир қилади — суюқлар, бўғинлар, қовурға, бел чаноғи, тиззанинг кўзи, тўпик; ана кейин кўзингизда чақмоқ чақнай бошлайди, ниҳоят, энангизни кўрасиз — сизни шундай ночор қилиб туққан энангизни, сизни шундай ит азобига гирифтор этган энангизни! Энг охирида — пакана эмас, жимит — лиллипут бўлиб ўлиб кетмоққа ҳам розиман дейсизу бақириб юборасиз:

—Йок, йок, йок!..

—Якши, якши, — деб қўяди жаллод ҳафсаласизлик билан. Кейин қаёқдандир қўлида шам пайдо бўлиб қолади. Ана шу шам ёруғида тилининг тагидан узун-узун игналар олиб, дуч келган жойингизга, йўқ, айнан жон томирларингизга ура кетади: якши — йок, якши — йок... Санчганику майли, эрмакками бураб-бураб қўйганига ўласиз.

Ахийри, ҳаммаёғингизни игнабанд қилиб ташлагач, қимирламоқ у ёқда турсин, ҳатто дамингизни чиқаролмайсиз. Бамисоли Исо пайғамбар, чормихлаб ташлангансиз. Ул зоти шариф-ку бу азоб-қийноқларга эътиқод йўлида маҳкум этилган экан, сиз-чи? Шармандалик, шармандалик! Вужудингиз бўйлаб зирқиратувчи тўк югураётир — зир-зир, зир-зир.

Шундан кейин Якши Йок муолажанинг сўнгги, нисбатан енгилроқ босқичига ўтади. Камзули чўнтагидан думалоқланган-думалоқланган алланималарни олиб игналар устига ўрнаштириб чиқади-да, қўлидаги шамга туташтиради. Бош-оёқ гавдангиз бўйлаб учқун чақнаб, чирсиллаб тутун кўтарила бошлайди.

Шу ишларни чироқни ёқиб ёки қўлидаги шамни бир чеккага қўйибгина қилса бўлмасмикан, деган ўй тинчлик бермайди жафокашга. Жафокор эса бепарво, билганидан қолмайди. Ахир, у — Ким Ир Сеннинг холаваччаси, кимсан — Чан Кайши, Мао Цзедун, Сталинларни даволаган зот! Қолаверса, Ибн Синонинг мухлиси, Розийнинг бўлажак шогирди!

Нимқоронғи хонани баттар тутун босади. Исириқ, ўзимизнинг ҳазориспанд! Бояги азоблардан кейин роҳат, маза. Зеҳнингизни мудроқ чулғайди.

Кўзингизни очсангиз — хона ёп-ёруғ, оёқ-қўлингиз кишандан, аъзойи баданингиз игнадан озод — бўғинлардаги сал-пал оғриқни айтмаса, қушдек енгилсиз! Хона ўртасидаги курсига чиқиб олган мўъжизакор табиб қўлларини киндиги устига қўйганча тиржайиб қўштаъзим бажо келтираётир: якши — йок, якши — йок, якши — йок.

Оқибати яхшилик билан тугаган ҳамма иш хайрлидир, дейдилар. Балки шундайдир. Аммо бу оғриқ, бу хўрликларга чидамоқ!.. Начора! Бу рўйи оламда мукамал бўлмоқ осон эмас, унинг мана шу каби азобу ташвишлари бисёр-беҳисоб. Ана шу синоқларга чидаган, бардош берганларгина мурод чўққисига етгуси.

Бошқатдан, бошқача бўлиб туғилмоқнинг иложи бўлмагандан кейин — начора? Жон чекмасанг, жонона қайда!

Муолажа баҳона қатнаб юриб Пакана бу ерда кимларни учратмади дейсиз! Бу шаҳри азимга келиб шу чоққача кўрган-билган сулув қиз-жувонларининг бари шу гўшанинг фуқароси бўлиб чиқди. Бунда фақат таниқли, донгдор одамлар истиқомат қилар экан. Ўзбек халқини зўр бериб ягона шўро қавмига қўшмоққа уринган байналмилалчи арбобу эл-улус қатағондан қалтираб жон сақлаган қора йилларда «Ватан обод, халқлар озод!» дея алёр айтиб чиққан замонасоз шоиргача — ҳамма-ҳаммаси шу ерда. Уларнинг кўпчилигини аллақачон ўлиб кетган, деб юраркан, қизиқ, ҳаммаси шу ерда, шу жаннат маконда даврон суриб ётибди. (Бировга ўлим тиламоқ гуноҳ-у, аммо ғофиллик унча катта айб саналмас.)

Пакана уларни танийди, улар Паканани — йўқ.

Айниқса, бир гал пештоқини томошапечак қўршаган кўркам иморат ёнидан ўтаётиб дераза олдида машҳури жаҳон Замирахонимни кўриб, ҳайратидан қотиб қолади: ҳалиям тирик экан-да?! Худо ўзи кечирсин, уни барҳаёт чоғларида ҳам — азбаройи ғофиллик — ўлган ҳисоблаб юрарди. Дарҳон тарафда уйи, томошахонаси борлигини эшитган, лекин ўзи аллақачон оламдан ўтган бўлса керак, деб ўйларди. Тўғри-да, ўзиям хўб унутилиб юра-юра, ҳеч қутилмаганда қайтадан доврўф таратиб, борлигин намоён қилар, турли-туман дабдабали юбилейлар ўтказар, радио-телевизорни забт этиб қолар эди. Эл олдига ҳар сафар янгидан яшариб чиқарди — сирин бу ёқда экан-да. Якши — йок, якши — йок, якши — йок...ка, ёш кўрингани билан кампир одам, қандоқ чидаш берар экан? Чидайди, яшариш учун, шон-шухрат керак бўлса, бундан баттарига-да чидайди. Жони қаттиқ. Жони қаттиқ бўлмаса, аллақачон хокитуроб бўларди. Ана, ўтирибди-ку дераза олдида, қошига ўсма қўйиб! Ўтган гал ҳовлининг биқинидаги турникда машқ бажариб ётган, Паканага кўзи тушиб, негадир бошини сарак-сарак қилган эди.

Хўш, бу дўзахий муолажалар бирон натижа бердимиз? Берди. Берганда қандоқ! Аммо...

Авалло шуки, Пакана (энди пакана ҳам эмас, дарвоқе) энкайиб юришни одат қилган — бўй қўрғур узун-да. Ўзи азалдан хипча эмасми, баттар ингичка тортиб, юрганда ичакдек қоматни тутиб юрмоғи душвор бўлиб қолган — буралиб-буралиб кетаверади. Кисқаси, узун чўзилса, ҳоли нима бўлиши маълум. Иннайкейин, юрган йўлида пешонасига ғурра орттираверади — новчалик сабоқларини ҳали яхши ўзлаштирмаган-да. Энг хунуги... айтаверайликми... бирда қўлларини солиштириб қараса... чапи ўнгидан бир қарич узун, тиззасига етай дейди! Ортиқчасини кесиб ташлаб бўлмаса, қўйлак остига яшириб бўлмаса! Падарлаънати Якши Йок, совуққонлик қилибми (собиқ Паканамиз на доҳий, на машҳур қўмондон эди-да!) ёки кексалик вадиданми, муолажа асноси бирон хатоликка йўл қўйдимикан? Ҳаваскор новча аламини ичига ютиб, ноилож ўша нуқсонли қўлини чўнтагига солиб юришни одат қилади. Новчалик сир-асрорларидан ҳали дуруст беҳабар ҳаваскоримизнинг дам-бадам қоқилиб-йиқилаверишини айтмайсизми! Афнаш чоғида, маълумки, савқи табиий жонга ора кириб, қўллар ҳимояга сафарбар бўлади. Новчанинг бир қўли эса чўнтагига «тикиб» қўйилган. Ғурра устига ғурра, «янги ва янги, хилма-хил».

Энди бўйни қўйиб, бошга ўтайлик. Сип-силлиқ эт аввалига қўтирдек дағал тортди, кейин тиғиз тўқай бўлиб жингалак соч ўсиб берганига нима дейсиз! Бамисоли занжининг сочи: на тароққа келади, на тузук ювиб бўлади.

Булари-ку майди, бир иложи топилар. Фожиа шундаки, у ўзини ўзи танимай қолган. Фикр-ўйлари ўзиники эмас, овози ўзиники эмас — ўтмас арранинг ғит-ғити гўё. Қилган иши, гапирган гапи ўзига ёқмайди. Гапирса — худди бошқа биров гапирётгандек, қулоқ тутса — бошқа одам эшитаётгандек, овқат еса — бош-қа кишининг оғзи билан еяётгандек. Кечаси хотинига яқинлашганда... бошқа бир одам...

Алқисса, ўзи сира-сира хоҳламаган бир кимсага айланган. Ҳатто рассомлиги ҳам эсидан чиқиб кетган, умрида қўлига мўйқалам тутмагандек.

Ўзи ўзгаргани баробари ўзгаларнинг ҳам унга муносабати ўзгарган. Кўрган-билганлар масхараомуз кулиб ўтишади. Қизлари, хотини алланечук бегонасираб, таажжуб билан қарашади. Жондан азиз қизлари кўзига негадир бўтадек кўринади, бир вақтлар алвастига

ўхшаган хотинига нисбатан эса жўшқин, тийиқсиз муҳаббат пайдо қилган. Бироқ унга яқинлашай, яктан бўлай деса, анови ҳол... бошқа одам...

Хуллас, Ҳаваскор новчамиз ўзидаги бу таносух — эврилишлардан безор бўлади. Бошқа одам бўлиб юриш жонига теккан. Энди у аслига — майли, ўша бадбахт паканалигига қайтишни шундоқ орзу қилардики! Ахийри, қатъий бир қарорга келиб, анови мўъжизакор масканга йўл олади.

Қарангки, чорбоққа қадам босибоқ мотамнинг устидан чиқибди. Аллаким ўлган. Улуғроқ одам бўлса керак, муюлишни (белги-тамғаларига қараб) ҳукумат мошиналари тутган, ўзлари ичкарида — марҳум ётган хонадон йўлагига (мавқе-мансабларига қараб) тўда-тўда бўлиб бош эгиб туришибди. Машҳур арбоблар, казо-казолар, номдор-нуфуздор шахслар.

Ҳаваскор новчамиз мотамхона олдидан беўхшов гавдасини туголмай, найновсираб, зўраки сипо-соте бир ҳолатда ўтади-ю, тагин бир нохушликка гувоҳ бўлади. Нарироқдаги йўлак оғзида «тез ёрдам» машинаси турибди, икки забардаст тиббий оға уйдан устига чойшаб ёпилган замбилни кўтариб чиқмоқда... Ёпирай, мангулик масканига қирон келдими, нима бало?

Бу манзаралардан дили хуфтон бўлган Ҳаваскор новча чорбоғ адоғига етиб, чап ёндаги айвончага кўзи тушгачгина сал ўзига келади. Хайрият, шодлик ҳам бор экан бунда! Гирд-атрофини томошапечак қўршаган, қўғирчоқдек ясатиғлиқ айвончасида бу дунёнинг ғаму ғурбатларидан йироқ, мангу навқирон опахонимиз десакмикан, онахонимиз десакмикан (гарчи бувимиз тенги бўлса-да!), кафтларини жуфтлаштирганча, бармоқларини қисирлатиб муқом билан ўйин тушмоқда. Анграйиб қолган Ҳаваскоримизга кўзи тушиб, қош учириб қўяди.

Демак, ўзбек санъати оламида яқин айёмда ажойиб бир воқеа юз беражак. Унутилаёзган машҳур санъаткор қайтадан яшариб, яна донг таратажак. Шубҳасиз, Навоий кошонасида яна дабдабали юбилей ўтади, яна опахонимизми, онахонимиз радио-телевизорда ялла айтиб ўйин тушажак. Узоқ танаффусли мангу байрам тагин баравж давом этажак.

Бемор, юраги зада, истар-истамас таниш кулбага қадам босади.

Муолажахона қоп-қоронғи, тутунга тўла. Чироқни ёқиб, не ҳолни кўради денг!..

Тўрдаги муолажа тўшагида аллаким ҳалложига тортилган ичақдек чўзилиб ётибди, игнага тўлиб-тошган" аъзойи бадани қоп-қора, куйиб кулга айланган.

Бемор тўшак сари икки қадам юради-ю, даҳшатдан қотиб қолади: Ким Ир Сеннинг холаваччаси, мўъжизакор таъмирчи Якши Йокнинг ўзи!

Дафъатан миясига бир фикр урилади: не-не зотларни таъмирлаган бу мўъжизакорнинг ўзи пакана, с-биқ Паканадан ҳам пакана-ку!

Бундан чиқади, келиб-келиб энди, шарти кетиб парти қолганда, ўзини ўзи... Хўб яхши, аммо анови чамбаракни ким айлантириб турди экан?.. Жумбоқ, бу ғаройиб зотнинг ўзига ўхшаган бир жумбоқ.

Хонани тутган бадбўйга ортиқ чидаб бўлмайди. Шу дамдан бошлаб энди бедаво бемор шартта бориб деразани очиб юборади ва ўзини бирпас ёпирилиб кираётган мусаффо ҳавога тутиб туради — бу орада хонадаги тутун тарқайди — сўнг ўгирилиб қарайдию телба бўлиб қолаёзади. Якши Йок ғойиб!..

— *Кўнгил қўрқувдан чўқади. Чўккан кўнгил ҳаммасидан, паканалиқдан ҳам ёмон!*

Ким бу? Ким у гапирган? Якши Йок ўзбекчани билмасди-ку? У ўлган-ку? У йўқ-ку? Бўлмаса — ким?

Товуш ўзидан, ўзининг вужудидан таралаётгандек...

Телбаланган одам жони ҳалқумига тикилиб чорбоғдан қочиб чиқаркан, қўрғон дарвозасида кимни учратади денг? Тополмайсиз. Азизани! Ҳув ўша, устидан шафқатсиз ҳукм ўқиган шаддод қизни!

Дарвоқе, у энди қиз эмас, қимматбаҳо либосларга ўранган, етилиб-тўлишган баркамол бир кибор хоним. Оқсуяклар истиқомат қиладиган мана шу масканда яшайди, шу ерга келин бўлиб тушган. Отасини бадавлат одам дейишарди, бадавлат одам қизини бадавлат хонадонга

узатган-да. Расми шу.

— Азизахон, салом! Мен Паканаман. Бирга ўқиганмиз. Эсингиздами, ҳув пахтада нима деган эдингиз? Мана, энди қаранг!..

Кибор хоним тўхтаб, унга таажжуб билан тикилади. Танаймайди.

— Йўқ, сиз Пакана эмассиз, бедавосиз! Агар ўша ўзим билган Пакана бўлганингиздами, сизни ҳеч кимга бермасдим-а, жон-жон деб... Кишлоқданмисиз, районданми, боймисиз, камбағалми — қараб ўтирмасдан, ҳар қанақасига тегиб олардим!

— Тўхтанг, Азизахон, мен ахир...

Хоним — Қамара унга иргангандек бир назар ташлайди-да, «Жинни», дейди, сўнг кўнгли тўлмайди, «Ненормальный» деб қўшади ва ажаб таманно билан шошиб узоқлашади. Нарироққа бориб, ортига қайрилади. Шундагина уни таниб қолади Бедаво: ия, Сафсар экан-ку бу, Сафсар!..

— Сафсар! Сафсар!..

Сафсар бирдан ҳовли бўйлаб югуриб, ҳозиргина Бедаво чиқиб келган машъум кулбага кириб кўздан ғойиб бўлади.

Бедаво катта кўчага чиққачгина ўзига келади. Орқасига бурилиб қараса — сир-синоатга тўла бояги кўрғондан ном-нишон йўқ, унинг ўрнида аллақандай совуқ темир-бетон маҳкамалар...

Шу чоғ ёнгинасига таниш, аммо унутилаёзган «шоҳ»сиз троллейбус келиб тўхтади. Эшиги очилиб, эски қадрони — омадсиз ошиқ, Севаранинг шайдоси кўринади. У кучоқ ёзиб кела бошлайди...

Бедавони шунча балоларга гирифтор қилиб, ўзи қаёқларда улоқиб юрибди бу каззоб?

20

Эртаси, якшанба куни Пакана уйқудан карахт бўлиб уйғонди. Ҳаммаёғи зиркирарди, ланж. Дил ғаш. Хаёлида кечаги алоқ-чалоқ саргузашт, аралаш-қуралаш манзаралар. Қаерларга борди, кимларни кўрди, нималар бўлди — кўпи эсида йўқ.

Хонани аллақандай бўғиқ ҳид босган эди. Исириқми? Ким тутатди экан? Якши Йок... Баданида таниш оғриқ туйди.

Даҳлизга чиқиб, қоним юришсин дея, қўлбола турнигига осилмоқчи бўлди. Сакраганида қўли мўлжалга етмай, гуп этиб бурчакка ағанаб тушди, чаккаси деворга урилиб қонади.

Гурсиллаган товушга югуриб чиққан қизи Ҳилола аҳволни кўриб «Вой!» дедию енгилгина узалиб ялтироқ мисрангни қулоқчаларидан кўтариб олди, элтиб деразадан ташқарига улоқтирди.

— Қуриб кетсин!.. Кечаги кузатиб келган ким эди?

— Нимайди?

— Бунақа башарани умримда кўрмаганман. Ҳиринглагани ҳиринглаган. Гапирмайди.

Пакана қизига қарамоқчи бўлиб бошини кўтарди-ю, даҳшат ичида ортига тисланди: аждар, аждарҳо!.. Оғзини катта очиб, тишларини қайраб келаётир... Лаҳза ўтиб аждар кичрайди, кичрайиб кўкракдаги оддий, беозор тасвирга айланди. Унинг ўрнида Ҳилоланинг ҳайрат ва хавотир чулғаб олган ташвишманд чеҳраси намоён бўлди. Ана шу чеҳрага тикиларкан, бурчакда думалаб ётган одам ўзини таниди... Тақдири пешона, тан бермай иложи йўқ.

Чаккасини ишқаб ваннахонага кирган Пакана девордаги кўзгуга рўбарў келди. Кўзгудан ёноғи қон, соқол-мўйлови қўсқи, кўзлари қизарган, афти ирkit, бадбашара аллақандай бир таъвия боқиб турарди.

Пакана. Тепакал. Хунук. Истеъдодсиз. Омадсиз. Бахтсиз. Аламзада... Эҳ, мана сенга!..

Кўзгу чил-чил дарз кетди, мўйсафиднинг ажинлари мисоли. Пакана қонаган муштумини куҳ-куҳлаганча, Ҳилола келиб қолмасин деб, шоша-пиша эшикка елкасини тираб олди. Шунда

қайтиб кўзгуга кўзи тушдию ногаҳон вужуди бўйлаб югурган илоҳий қон миясига урилиб, гўё мудраб ётган ҳужайраларни уйғотиб юборди.

Мўйсафиднинг ажинлари мисоли дарз кетган кўзгу мукамал манзара касб эта бошлади. Унинг бир бурчагида мўъжазгина «Умид» пайдо бўлди. Ажабо, ул бахтиқаронинг ёноғида ёш! Сафсар йиғлаяпти... (У йиғламай ким йиғласин!) Ёш томчилари бора-бора манзарани тўлдирди. Ана шу аламли томчилар орасида — ўртада юз-қўли қонга беланган Аламзаданинг ўзи. «А л а м з а д а».

Рассомни узоқ йиллар унутилган бир титроқ чулғаб олди.

1991